



Одамларни хурсанд қилиб, дуосини олганлар кам бўлмайди... 2



Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир 4



«Ўзбекистоннинг таянч тоғларидан бири» 5



«AYOL CARE» тиббиёт муассасаси — Марказий Осиёда ягона 8



№89-90
2019-йил, 5-ноябр
Seshanba (32.580)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston ovozi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тўбдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Мамлакатимизда ислохотларнинг фаол амалга оширилиши муносабати билан давлат ва жамиятни ривожлантиришга оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ва қўламини ошди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш фаолияти етарлича ташкил қилинмаганилиги, уларнинг натижадорлигини мониторинг қилишнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизми тўлиқ йўлга қўйилмаганилиги кўрсатмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш, нўтўғри ёки зиддиятли ҳуқуқий қўллаш амалиётига олиб келадиган нормалар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадига:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни 42-моддасига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинг амалга оширилиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизимини (кейинги ўринларда — ҳуқуқий мониторинг) жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Қуйдагилар ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ягона амалиётини жорий этиш;

ҳуқуқий қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини таққорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ягона тушунча ва атамалар тизимини яратиш.

3. Белгиланган қўйилсинки:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлақонли ижро этиш давлат бошқаруви органларининг устувор вазифасидир;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш самарадорлиги уларни амалда қўллаш бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш йўли билан аниқланади;

ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш предмети бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширилади;

ҳуқуқий мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасига (кейинги ўринларда — мониторинг режаси) мувофиқ амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топиширигига асосан қўшимча ҳуқуқий мониторинг ўтказиш талаб этилган тақдирда, ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан мониторинг режасига қўшимча киритилмасдан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш талаб этилган тақдирда, ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан мониторинг режасига қўшимча киритилмасдан амалга оширилади;

ҳуқуқий мониторингнинг ўтказишда давлат бошқаруви органлари адвокатлар, илмий-таълим муассасалари мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, шунингдек, фуқароларни шартнома асосида жалб қилишга ҳақли. Ушбу тадбирларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторингнинг ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйдаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингга иштирок этиш;

давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий

мониторинг якунлари бўйича ўз вақтида тақдим этилмаган, нўтўғри, ишонсиз ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилган тақдирда, уларга нисбатан ҳуқуқий мониторингнинг ўтказишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

6. Давлат бошқаруви органлари:

а) ҳар йили 1 февралга қадар: ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантиришни ва биринчи раҳбар имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишни;

мониторинг режасига мувофиқ ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишни;

б) ҳар чоракда мониторинг режасига мувофиқ таҳлилий маълумотлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили 20 февралга қадар:

а) давлат бошқаруви органларининг тақлифлари асосида мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида қуйдагиларни назарда тутувчи ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

мониторинг режасининг бажарилиши натижалари; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш зарурати;

ҳуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятлар, шунингдек, коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш чораларини кучайтириш бўйича тақлифлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий қўллаш амалиётини ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили 20 мартга қадар мониторинг режасини ҳамда ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилган ҳолда тасдиқласин.

9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгиланган қўйилсинки:

давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳуқуқий мониторингнинг сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, мониторинг режаси бўйича тақлифларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўтказилиши ҳолати бўйича ахборотни белгиланган муддатларда киритиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

ҳуқуқий мониторингнинг ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, шу жумладан, мазкур қарорнинг 6-7-бандларида назарда тутилган ташкилий тадбирлар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қўйишнинг ягона электрон тизимида ташкил этиладиган махсус электрон майдончада амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қўйишнинг ягона электрон тизимида:

ҳуқуқий мониторинг иштирокчилари ўртасида тезкор электрон ҳужжат айланишини таъминлаш;

мониторинг режасини шакллантириш; ўтказилган ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича тайёрланган материалларни жойлаштириш имконини яратувчи махсус электрон майдончани жорий этиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мунтазам равишда махсус электрон майдончанинг тўғри бошқарилишини мувофиқлаштириш, шунингдек, ўтказилган ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича жойлаштирилган материалларни таҳлил қилиб босин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 ноябрь



Сурабда: Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 12-Нёъмат сайлов округи 149-сайлов участкаси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида жойлашган.

Сайлов участкалари

Сайлов кодексига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашларга депутатлар сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари туман ва шаҳарлар ҳокимликлари тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Бунда сайловчиларга

мумкин қадар кўпроқ қўлайлик яратиш мақсадида туманларнинг, шаҳарларнинг, шаҳарлардаги туманларнинг чегаралари инобатга олинади. Участкалар ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги округларга кирилади. Сайлов участкаларининг чегаралари бошқа

сайлов округларининг чегараларини кесиб ўтмаслиги керак.

Шунингдек, хориждаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Сайлов қонунчилигида яна бошқа жиҳатлар ҳам назарда тутилади.

ЎЗБЕКИСТОН – АМЕРИКА: ДИН ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ СОҲАСИДА ТАЖРИБА АЛМАШУВ

Тошкентда 4 ноябрь кuni «Дин ва қонун устуворлиги» мавзусида Ўзбекистон – Америка илмий-амалий семинари бошланди.

Семинарда икки мамлакатдан диншунос олимлар, мутахассислар, соҳа вакиллари конфессиялараро муносабатларни ривожлантириш, миллатлараро низолаҳа қарши курашиш, жамиятда бағрикенглик муҳитини ривожлантириш каби масалалар бўйича ўзаро тажриба алмашмоқда.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари А.Нёъматов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, АҚШнинг Глобал жалб қилиш институти бош директори Жон Бойд ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда диний эркинликлар соҳасида жиддий ислохотлар амалга оширилаётгани, диний эътиқод эркинлиги таъминланётгани, динлараро барқарорлик ва диний бағрикенгликни кучайтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоламоқда. Хусусан, Ўзбекистон сўнги 20 йилда АҚШ "алоҳида ташвиш тудирадиган давлатлар рўйхати"дан чиқарган иккинчи мамлакат бўлди.

Бундан ташқари, илк бор Ўзбекистонга БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги

масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид ташриф буюрди. Ушбу ташриф натижалари диний эркинликни таъминлаш, диний эркинлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутувчи Ўзбекистон парламенти томонидан қабул қилинган алоҳида ҳужжатда акс эттирилди.

Семинарнинг биринчи кuni АҚШнинг Глобал жалб қилиш институти фахрий президенти Крис Сайпл ва бошқа дин ва ҳуқуқ соҳаси экспертлари маърузалар билан иштирок этди. Шунингдек, иштирокчилар АҚШда черковлар ва кўп конфессиялар учун электрон платформа вазифасини ўтовчи «GlobalNet» дастури билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ва АҚШнинг Глобал жалб қилиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинар 8 ноябрга қадар давом этади.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ДИҚҚАТ: ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Муслиҳиддин МУҲИДИНОВ,
Самарқанд давлат
университети профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси.

МАЪРИФАТ МУТААССИБЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ДЕМАҚДИР

Аччиқ бўлса ҳам тўғрисида тан олишимиз керак. Илгари биз фақат ютуқларимизни кўрсатишга уринардик, чет эл ОАВ нуқул камчиликларимизни айтишга ҳаракат қиларди. Натижа ҳаммамизга маълум. Эндилкида бошқача ёндашув шаклланапти: ютуқ ҳам, муаммо ҳам ўзимизники. Бу ҳақиқатни тан олиш, ўз номи билан айтиш ҳақида қайғурмоғимиз керак. Бундай ёндашув ҳақиқат ва адолатни қарор топишга кўпроқ наф келтиради, деган фикрдаман.

Президентимиз деярли ҳар нутқида, у иқтисодий ислохотлар ёхуд қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги муаммолар бўладими, умуман, ижтимоий ҳаётимизда қайси йўналиш бўлмасин, инсоннинг онгу тафаккури, маънавий олами ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Негаки, тафаккури озод бўлмаган инсонни мутелиқдан, қулликдан кутқариш имконсиз. Афсуски, биз сиёсий ва иқтисодий мустақиллик аспиди руҳий эркинлик, маънавий истиқлол барқарор бўлган жамиятдагина амалга оширилишини нисбатан кеч англадик.

Давоми 3-бетда. ▶

16 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО БАҒРИКЕНГЛИК КУНИ

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат

Бағрикенглик бу — ўзаро ҳурмат, бир-бирини англаш, тушуниш ва қабул қилиш демакдир. Ер юзидеги турли маданиятларга ҳурмат билан ёндашиш, тушунишга бағрикенглик таърифи берилади. У билим, самимият, ешдон ва эътиқод натижасида юзага келади. Бағрикенглик фақат маънавий бурч бўлиб қолмай, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж саналади. Энг асосийси, бағрикенглик нати-

жасида тинчлик таъминланади, турли низолар, у бор бўлса, урушларнинг келиб чиқишига тўсқинлик қилади. Шунини унутмаслик керакки, бу тушунча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш асосида шаклланган муносабат ҳисобланади. Унинг намоёнаси алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар бўлиши лозим.

Давоми 3-бетда. ▶

Нарх-наво ва таърифлар асоссиз оширилишига йўл қўймаймиз... Ижтимоий заиф қатлам арзон ва сифатли уй-жой билан таъминланиши учун курашамиз

Янги Сайловолди дастурида қандай янги ташаббуслар бор?

Сайловлар олдида ҳар бир сиёсий партия ўзининг Сайловолди дастури, сиёсий платформасини ишлаб чиқади, тараққиётга хизмат қиладиган янги-янги гояларни илгари суради.

Партиямиз ҳам ўзининг янги Дастури ва Сайловолди дастурини ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжатларни тайёрлаш учун сиёсатшунос, ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар, депутатлар ҳамда партия фахрий-ларидан иборат Ишчи гуруҳлар тузилди.

Ишчи гуруҳ мамлакатимизнинг чекка ҳудудларигача чиқиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, иш топида қийинчиликка дуч келаётган меҳнат мигрантлари билан юзма-юз учрашди, уларнинг муаммолари ва тақлифларини ўрганди.

Партия дастурлари лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва барча туман (шаҳар) партия кенгашларида кенг муҳокамадан ўтказилди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари тақлифлари билан янада бойитилди. Бир сўз билан айтганда, дастурларимиз содда, халқчил мазмунда тайёрланди.

Партиямиз дастурларини янада такомиллаштириш мақсадида Германия, Норвегия, Бельгия, Голландия, Буюк Британия, Греция, Италия каби давлатлардаги тажрибали ўрганилди ва бир қатор тақлифлар ишлаб чиқилди.

Бу йилги Сайловолди дастури-миз ҳар томонлама пишиқ-пuxта тайёрланди, десак бўлади. **Жорий йил 28 октябрь куни ўтказилган партиямиз курултойида янги Дастур ҳамда Сайловолди дастури бир овоздан қўллаб-қувватланди. Бундан кейинги энг муҳим вазифамиз ушбу дастурдаги гоя ва тақлифларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини сайловчиларга етказиб, тушунтириб беришдан иборат бўлиши зарур.**

Партиямиз дастурида иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш устувор вазифа этиб белгиланди. Шунингдек, ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия гоялари асос этиб олинди.

Ушбу гоялар аввало ижтимоий ҳимоя тамойилини таъминлашга, жамиятимизнинг барча қатлами манфаатларига мос келадиган қучли сиёсат юритишга хизмат қилади.

Сайловолди дастурида қатор саволларга батафсил жавоб топиш

мумкин. Унда ҳар бир фуқаронинг Конституция билан кафолатланган меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналиши экани қайд этилган.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш орқали аҳолининг барча қатламлари муносиб иш ўрни ва хизматига яраша иш ҳақи билан таъминлаш фаровонлик кафолатидир.

Ички ва ташқи меҳнат мигрантлари, таълим муассасаларини тугатгандан сўнг меҳнат бозорига илк мартабага кириб келган ёшлар ўз иш жойига эга бўлиши партиямиз учун принципиал аҳамиятга эга.

Сайловолди дастурида **ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар нархлари, тарифлари белгиланган меъёrlардан ошиб кетмаслиги учун** уларнинг рўйхати белгиланишини давлат томонидан тартибга солиш, буну қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш тақлиф этилмоқда.

Яна бир долзарб масала — аҳолининг ижтимоий заиф қатламини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ. Бу, албатта, ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналишидир.

Мақсуд йўналишида Сайловолди дастурида аниқ ташаббус илгари сурилмоқда. Яъни, ҳашаматли ипотека турар-жойларини кураётган қурилиш компаниялари ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмаларни махсус фондга жамлаш, ушбу маблағларни ижтимоий турар-жойлар — муниципал уйлар қуришда фойдаланиш зарур. Бу уйлар уй-жойга юқори даражада муҳтож кишиларга берилиши лозим.

Сайловолди дастурига киритилган яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, **коммунал хизматлар, уй-жой фондидан фойдаланиш нарх-наво ва тарифларининг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик** учун маълумотлар очиклигини таъминлаш, коммунал хизматларга ўрнатилган тарифлар устидан жамоатчилик назоратини қўйиштириш вазифа этиб белгиланди.

Сайловолди дастурига аҳолининг заиф қатлами ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шартлигини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаси киритилган.

Барчанинг таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосидир.

Партиямиз таълим соҳасида қуйидаги ижтимоий вазифаларни амалга оширишни муҳим, деб ҳисоблайди:

— бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда **6 ёшли болаларни мажбурий мактабгача таълим билан тўлиқ камраб олиш**;

— **бошланғич синф ўқувчиларининг рационал овқатланишини таъминлаш учун таълим муассасаларида сифатли нонушта бериш тизимини амалиётга жорий этиш**;

— **ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга йўналтириш, жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиши учун республикадаги барча таълим муассасаларида, кишлоқ ва маҳаллаларда спорт муассасалари ва майдончаларини бунёд этиш**;

Иқтисодиёт, кишлоқ ҳўжалиги тармоқлари ҳамда соғлиқни сақлаш, педагогика соҳалари учун олий маълумотли кадрларга юқори эҳтиёж мавжуд. Кишлоқ жойларда ишлаш шарт билан **олий таълим муассасаларига ёшлар давлат гранти асосида ўқишга кириши бўйича имтиёзлар жорий қилиш ташаббуси** билан чиқмоқда.

Шунингдек, тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган кам таъминланган оила фарзандларига имтиёзли таълим кредитларини тақдим этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таҳсил олиш имкониятини кенгайтириш бўйича янги тақлифлар илгари сурилмоқда.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ижтимоий ҳимоясини қўйиштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, шунингдек, **«Меҳрибонлик» уйлари**ни босқичма-босқич болалар шаҳарчаси ҳамда оилавий тарбия муҳитига яқин муқоабил шаклларга ўтказиш ташаббуси дастуридан ўрин

олмоқда.

Сайловолди дастурида, шунингдек:

— ногиронлиги бўлган болалар учун махсус ўқув қўлланмалари, жумладан, овозли ва Брайль алифбосидаги адабиётларни қўйиштириш, соҳа ўқитувчиларига қўшимча шароит ва имтиёзлар тақдим этиш бўйича давлат бюджети харажатларини ошириш;

— олис кишлоқ аҳоли жойларидаги маданият муассасалари, «Баркамол авлод» ҳамда Болалар мусиқа ва санъат мактабларини молиялаштириш учун бюджет харажатларини ошириш, хусусий ва давлат шерикчилик шаклларидадан фойдаланиш ҳамда **кам таъминланган оилалар фарзандлари учун тўловларни бекор қилиш**;

— «Мурувват» ва «Саховат» уйларида истикомат қилувчи ёлғиз кексалар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар учун замонавий ва ҳар томонлама қулай шароитларни яратиш тақлиф қилинмоқда.

Партиямиз аҳолининг кам таъминланган қатламларидаги тиббий хизматлар кўрсатиш, айниқса, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни даволаш ва олдини олишни ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши, деб билади.

Шу мақсадда партиямиз мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул тақдим этиладиган мажбурий тиббий хизматлар ҳақмини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш;

— давлат тиббиёт муассасаларида кам таъминланган аҳоли қатламини ҳар йили тўлиқ икти-сослаштирилган юқори техно-логияли диагностика усуллари билан бепул тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

— ногиронлар, айниқса, ногирон болаларни бепул дори-дармонлар билан таъминланишини йўлга қўйиш; — аҳолининг алоҳида тоифаларига ажратиладиган дори-дармон, протез-ортопедия воситалари ва бошқа ижтимоий хизматларни имтиёзли тақдим этиш тизимини такомиллаштириш ташаббусларини илгари сураш.

Партиямиз дастурида олис кишлоқ жойлардаги аҳолининг имкониятлар тенглигини таъминлаш мақсадида мактаблар, кишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга малакали, бой тажрибага эга мутахассисларни жалб этиш,

уларга шароит, моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича аниқ механизмларни қўнғичлик даражасида мустаҳкамлаш ташаббуслари билан чиқмоқда.

Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қўйиштириш билан боғлиқ муҳим йўналишларда **20 дан ортқ қонун қабул қилиш ва ҳаётга таътибқ этиш кўзда тутиляпти. Хусусан:**

— аҳолининг кам таъминланган ва бошқа заиф қатламларига бепул ижтимоий хизматлар тақдим этилишини таъминлайдиган **«Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида»ги Қонун** лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

— меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилаш учун **«Яшаш минимуми тўғрисида»ги ва «Истеъмол саватчаси тўғрисида»ги Қонунлар** лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга таътибқ этиш;

— **«Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида»** Қонун қабул қилиш ташаббуслари шулар жумласидан.

Шунингдек, партиямиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ратификация қилиш ташаббусини ўрнатилган тартибда илгари сурмоқчи.

Сайловолди дастурида электоратимиз манфаати билан боғлиқ барча муаммоларни қамраб олиш имконияти йўқ. Лекин шунга қарамай, биз сайловчиларни қийнаётган муаммолардан кўз юма олмаймиз. Бугун одамларни қуруқ гоялар эмас, балки ҳаётий муаммоларнинг ечими қизиқтиради.

Шунинг учун партиямизнинг янги Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят, ҳар бир туман кенгаши ҳудудлар шароитига мос равишда ўз сайловолди дастурларини ишлаб чиқаяпти.

Партиямиз Сайловолди дастуридаги вазифалар ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш, шу орқали жамиятда ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Қўл "минг соғли" аъёлариймиз, хайрихоҳларимиз, электорат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари, орзу-истаклари билан ҳамоҳанг экани партиямизга, ўйлайманки, ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.

Меҳрождидин ДАРХОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ:
МУРОЖААТ, МУАММО, ЕЧИМ

МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ

Янгиер шаҳридаги 19-Обод юрт сайлов округи депутати А.Бойбековга 2-гуруҳ ногирони А.Шодмонкулов соғлигини тиклаш ва дори-дармон билан таъминлашда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Депутат ушбу мурожаат бўйича вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига депутатлик сўрови жўнатди ва мурожаатни ижобий ҳал этишга эришди. Фуқаро касаллиги бўйича даволанди ҳамда керакли дори-дармонлар билан таъминланди.

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН 1375 МЕТРЛИК ЙЎЛГА АСФАЛЬТ ЁТҚИЗИЛДИ

Халқ депутатлари Қўргонтепа туман Кенгаши депутати М.Абдусаматов «Султонобод» шаҳарчасида аҳоли билан ўтказган учрашувларида фуқаролардан 1375 метрлик ички йўлни асфальтлаш масаласида мурожаат бўлган эди.

Депутат мақсуд масала бўйича вилоят «Автойўл» бошқармаси раҳбарига депутатлик сўрови юборди. Натижада Султонобод шаҳарчаси «Жаннатмакон» ва «Жаннатбулоқ» МФЙ ҳудудлари кесишган 1375 метрлик йўлга асфальт ётқизилди. Шунингдек, «Жаннатмакон» МФЙ Тонг юлдузи кўчасидаги 520 метр йўл, Жанай кўчасидаги 1000 метр йўл ҳам асфальтланди.

12 ТА ХОНАДОННИНГ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Халқ депутатлари Қўнгирот туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари А.Нуруллаев муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб чиқди.

Таъкидлаш керакки, Қўнгирот тумани ҳокимлиги томонидан «Олтинқўл» шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудидаги ПМК-16 корхонасининг эски биноси қайта таъмирланиб, тумандаги уй-жойга муҳтож бўлган 12 та билага бепул берилган. Депутат бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари билан учрашди.

Учрашув давомида фуқаролар газ ва электрэнергия хизматлари учун тўловларни амалга оширишда туман газ ва электрэнергия таъминоти корхоналаридан ҳўжатлаштиришда муаммоларга дуч келишяётганини айтишди. Бу масала юзасидан депутат А.Нуруллаев туман газ таъминоти раҳбари ва электрэнергия таъминоти раҳбарига мурожаат қилди. Ҳар бир хонадон иил охиригача газ ва электрэнергия ҳисоблагичлар билан таъминланиши маълум қилинди.



Одамларни хурсанд қилиб, дуосини олганлар кам бўлмайди...

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги ноанъанавий тарғибот тадбири ҳам қўтаринки руҳда ўтди

— Ҳой, ўргилай, шошманг. Бу қадар шахдам қадам билан қаёққа кетяпсиз?

— Ассалому алайкум. Узр, опа. Сизга эътибор қилмабман. Эшитмадингизми Товоқсойда дуу-дуу гап. Халқ демократик партияси соғлиқни сақлаш бошқармаси билан бирга тиббий кўрик ўтказаяпти. Кардиолог ҳам бор экан...

— Ҳа, мен ҳам шунга кетяпман. Аппаратлари билан келганмиш. Мутахассисларини ҳам жуда малакали, дейишяпти.

— Бу партия бундай тadbирларни тез-тез ўтказиб турармиш. Тиббий кўрик бепул экан...

Аслида тиббий кўрик бошланишига ҳали бироз вақт бор эди. Ўзбекистон Халқ демократик

партияси Тошкент вилоят кенгаши ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида «Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз» ширини остидаги ноанъанавий тарғибот тadbирининг биринчи қатнашчиси Бўстонлик туманидаги 12-умумтаълим мактаби мезбонлик қилди. Эрта тонгданок аҳолини ўзига чорлаган тadbир соғломлаштириш машқлари билан бошланди. Муассасанинг спорт майдончасига 7 ёшдан 70 ёшгача ёш кекса жам бўлди. Tadbир аввалда партиянинг вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиева партиямиз бош мақсади одамлар турмуш фаровонлигини ошириш, барча учун тенг ва мақбул яшаш шароитини яратишдан иборат-

лигини таъкидлади. Партиянинг сайловолди дастури ҳамда сайлов кодексининг мазмунини ҳақида тушунчалар берилди.

Партиянинг сайловолди дастурида хотин-қизлар саломатлигини сақлаш, тиббий саводхонлиқни ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишини ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, ногиронлиги бўлган шахсларни соғломлаштириш борасида Ўзбекистон ХДП кўрсатаётган ташаббусларни алоҳида қайд этди. Шунингдек, саломатлик инсон ҳаётида энг муҳим масала экани ва бу партиянинг устувор вазифаларидан этиб белгилангани таъкидланди.

Тadbирдан қўзланган мақсад

аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали партиямиз гояларини кенг тарғиб қилишдан иборат. Бу борада профилактик чора-tadbирларни самарали мувофиқлаштириш, фуқароларнинг жисмоний фаоллик даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда ижобий самара беради.

Айтиш кераки, мақсуд йўналиш ҳам партиянинг доимий диққат марказида бўлган. Хусусан, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш унинг бош мақсади саналади. Барча учун тенг ва тўқисиз муҳит

яратиш борасида қатор ташаббусларни илгари суради. Бу борада турли тadbирлар, акциялар ва форумлар ўтказиб келади.

Навбатдаги худди шундай манзил тумандаги 11-сон кишлоқ оилавий поликлиникаси бўлди. У ерда чуқурлаштирилган тиббий кўрик акцияси ўтказилди. Жумладан, тиббиётнинг 11 та тор йўналишида малакали шифокорлар жалб қилинди. Қўчма рентген аппаратлари, офтольмология, УЗД асбоб-ускуналари ердамида фуқароларга ташхис қўйилди. Жами 600 нафарга яқин аҳоли кўриқдан ўтказилиб, 50 га қийнага доволантиш учун худудий ва марказий шифохоналарга йўлланмалар берилди.

— Ёшим етмишдан ошган, — дейди меҳнат фахрийси Тўлқин Усмонов. — Бу ерга набираларим билан бирга келдим. Уларга қўшилиб маш қилишга уриндим. Бир гапни чин дилдан айтаман. Tadbирдан кўнглим тўлди. Асосийси, жуда ҳам ширин сўз ва тажрибали кардиолог кўригидан ўтдим. Улар менга кўпроқ жисмоний ҳаракат қилишни, пиёда юришни маслаҳат беришди. Худого шукр, соғлам ҳам жиддий муаммо йўқ экан. Tашкилотчилар кўп-кўп яшасин. Одамларни хурсанд қилиб, дуосини олганлар кам бўлмайди.

Мана шу каби самимий тилакларни ҳар бир суҳбатдошимиздан эшитдик. Одамларнинг хуш кайфияти, миннатдорлиги тadbирга байрамона шукўҳ бағишлади.

Бундан ташқари, акция доирасидаги марафон бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилоти раиси ва партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари қатнашди. 5 км.га фаол юриш амалга оширилди. Шунингдек, «Саломатлик майдончаси ва «Соғлом овқатланиш ярмаркаси» ташкил қилинди. Йигилганларга ноинфекцион касалликларга профилактикаси, соғлом овқатланиш ва жисмоний фаолликни аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди.

— Бу галги тadbирнинг аввалгиларидан аҳамиятли жиҳати

шундаки, унда аҳолини соғломлаштириш масаласи устувор мақсад қилиб олинди, — дейди Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир Баҳодир Юсупов. — Одамлар орасига кириб, уларнинг дардини эшитиш орқали партиямиз дастур ва гояларини мазмунан бойитиш, инсон мафаати йўлида пухта режалар тузиш имкони ортди. Ижтимоий масалалар ҳал этилма экан, одамларга сиёсат ва ислохотлар ҳақида гапириш яхши самара бермайди. Ўйлайманки, ушбу акциялар орқали ҳамюртларимизнинг қалбига чуқурроқ кириб борамиз ва уларга ўз гояларимизни тарғиб қиламиз.

Шунингдек, тумандаги хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш билан боғлиқ, турли юқумли касалликларнинг профилактикаси ҳамда уларни даволаш хусусида зарур маълумотлар ҳам берилди.

Акция давомида катталар ва болалар томонидан велосайр, спорт ҳамда мусиқа мактаблари ўқувчиларининг намунали чиқишлари ҳам ўтказилади. Акция оммавий сайлга айланиб кетди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат



Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлардан кўлаб мисоллар келтириш мумкин. 2017 йил Президент фармонида биноан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил қилинди. Бугун мазкур тузилма миллий сиёсатни бевосита ҳаётга татбиқ этаётган ташкилотлардан бири ҳисобланади. Юртимизда фаолият юритаётган 138 миллий маданий марказ ҳамда 36 дўстлик жамияти ишини мувофиқлаштиради.

Ушбу жамоат бирлашмалари ўз фаолиятини Конституция, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунилар, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ўз уставларига кўра амалга оширади. Улар ошқоралик, коллегиялик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлик, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойилларига амал қилади.

Қўмита билан ҳамкорликда ўтган даврда «Ўзбекистон-Афғонистон», Индонезияда «Индонезия-Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари таъсис этилди. 2018 йилда Қўмита ва дўстлик жамиятлари аъзолари томонидан хорижий давлатларга 24 марта сафар ташкил қилинди. Ташрифлар доирасида Казоқистон, Болгария, Польша, Ҳитой давлатлари билан меморандум имзоланди.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон туристик салоҳиятини намойён қилувчи тақдиротлар, танловлар уюштирилди. Буларнинг барчаси хориж мамлакатлари билан юртимизнинг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги муносабатлари мустаҳкамла-нишига хизмат қилади.

Ҳаркатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсат ҳисобланади. Бугун аҳоли, айниқса, ёшлар онгидан инсонпарварлиқни, миллий қадриятларни, миллатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни, яқин қўшниларимиз билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йилнинг 11-16 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган «Халқаро бағрикенглик» ҳафталиги ҳам бунинг ёрқин мисолидир. «16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни» муносабати билан ўтказилиши режалаштирилган тадбир доирасида ОАВ ҳодимлари иштирокида анжуман, маданий, маънавий-маърифий ва илмий-амалий тадбирлар, фестиваль, форум, концерт дастурлари, халқаро конференция ва учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Табиики, бу орқали мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва эллар ўртасида доғувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш масалалари қамраб олинади. Шу билан бирга, миллий маданий марказлар, дўстлик

жамиятларининг одамлар ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш ҳам ҳафталикдан кўзланган мақсадлар сирасига киради. Мухими, хорижий мамлакатлар билан маданий-гуманитар ҳамда дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш талаб этилади. Конференциянинг бош мақсади мана шунга хизмат қилади. Хусусан, Марказий Осиё давлатларининг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш, халқ дипломатияси институтининг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик ва шериклик алоқаларини янада ривожлантириш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг халқ дипломатиясидаги ўрнини ошириш масалалари кенг муҳокама қилинади.

Халқаро аҳамиятга молик ҳафталик доирасидаги тадбирлар республикамиздаги барча умумтаълим мактаблари ва академик лицейларни ҳам қамраб олади. Уларда Бағрикенглик фестивали ўтказилади. Хусусан, мавзуга алоқадор синф соатлари, суҳбатлар ташкил қилиниб, бағрикенглик ҳақида махсус кўрсатувлар намойиш этилади. «Миллий анъана ва удумлар», «Миллий либослар намойиши», «Миллий кўшиқ ва рақслар» кўрик-танловлари, «Менинг бағрикенг дунёим» мавзусидаги «Энг яхши расм», «Бағрикенглик менинг наздимда» мавзусида иншолар танлови бўлиб ўтади. Бу орқали ёшларнинг онгига эзгу ғоялар ва тушунчаларни сингдириш, уларни миллий урф-одатлар, тарихий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш мақсад қилинган.

Айтиш керакки, мазкур ҳафталик доирасида ўтказилган тадбирлар юртимизда тинчлик ва оқсоқилликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳафталик доирасидаги Форумда ҳам мана шу масалалар қамраб олинади. Миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг фаолияти, тизимдаги ютуқ ва муаммолар, хорижий мамла-

катлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ҳамда дўстлик жамиятларига оид амалдаги қонунийликни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилади.

Ҳафталикнинг йирик лойиҳаларидан яна бири — «Марказий Осиё — умумий уйимиз» мавзусидаги халқаро конференциядир. Унда хорижий мамлакатлар, Марказий Осиё давлатлари билан дўстлик, ўзаро манфаатдорлик ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилади.

Айтиш керакки, минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш учун давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш талаб этилади. Конференциянинг бош мақсади мана шунга хизмат қилади. Хусусан, Марказий Осиё давлатларининг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш, халқ дипломатияси институтининг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик ва шериклик алоқаларини янада ривожлантириш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг халқ дипломатиясидаги ўрнини ошириш масалалари кенг муҳокама қилинади.

Халқаро аҳамиятга молик ҳафталик доирасидаги тадбирлар республикамиздаги барча умумтаълим мактаблари ва академик лицейларни ҳам қамраб олади. Уларда Бағрикенглик фестивали ўтказилади. Хусусан, мавзуга алоқадор синф соатлари, суҳбатлар ташкил қилиниб, бағрикенглик ҳақида махсус кўрсатувлар намойиш этилади. «Миллий анъана ва удумлар», «Миллий либослар намойиши», «Миллий кўшиқ ва рақслар» кўрик-танловлари, «Менинг бағрикенг дунёим» мавзусидаги «Энг яхши расм», «Бағрикенглик менинг наздимда» мавзусида иншолар танлови бўлиб ўтади. Бу орқали ёшларнинг онгига эзгу ғоялар ва тушунчаларни сингдириш, уларни миллий урф-одатлар, тарихий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш мақсад қилинган.

Айтиш керакки, мазкур ҳафталик доирасида ўтказилган тадбирлар юртимизда тинчлик ва оқсоқилликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳафталик доирасидаги Форумда ҳам мана шу масалалар қамраб олинади. Миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг фаолияти, тизимдаги ютуқ ва муаммолар, хорижий мамла-

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Пойтахтимиздаги Амир Темур сайилгоҳи байрамона безатилган. Ҳар қачонгидан ҳам аҳоли гавжум. Тадбир ташкилотчиларнинг қўли-қўлга тегмайди. Бу ерда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги тарғибот тадбирига ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари партия шiori туширилган баннерларни жойлаштиряпти. Мусикачилар чолғу асбобларини созлаш билан банд.

«Халқ демократик партияси доимо сиз билан бирга!»



— Кўраётганингиздек, байрам тадбирини кўтаринки руҳда бошладик, — деди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши сектор мудири Нодира Ғафурова. — Бугунги тарғиботта барча туман кенгаши раислари, партия фаоллари бирдамликда тайёргарлик кўришди. Ҳаракатларимиз зое кетмайди, деган умиддамиз.

Кўп ўтмай бошловчининг диққатни тортувчи овози янгради: «Халқ демократик партияси доимо сиз билан бирга!»

Режалаштирилгандек, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Нигора Эшметова тадбирни очиб, партия ташкил этилганига 28 йил тўлгани муносабати билан ҳаммани қутлади.

Шундан сўнг ёш иқтидор эгалари, эл суйган санъаткорлар ўз чиқишлари билан иштирокчиларни ҳушнуд эта бошлашди.

— Қизим Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ўқийди, — дейди тадбир иштирокчиси Махфуза Раҳимова. — Ундан хабар олиш, мақсадида кеча Қашқадарёдан келгандим. Фарзандим билан Амир Темур сайилгоҳига чиқдик. Бир вақт талабалик вақтимизда машҳур бўлган қўшиқ янграб қолса бўладими. Яқин бориб қарасам, Ахрор Усмоновнинг ўзи қўйлаётган экан. Рост, жуда мазза қилиб дам олдик. Партиянинг сайловолди режалари билан танишдик. Масъулар жорий йилги сайловларнинг аҳамияти, партияимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, илгари сўриланган ташаббуслар ҳақида атрофлича маълумот берди. Сайловларда муносиблар галаба қозонишини истайман.


Тадбир сўнгиде партия сафидаги фидойилар тақдирланди. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эркилова, Ўзбекистон кураш федерацияси раиси ўринбосари Комилжон Юсуповга партияга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Севалаб ўтган ёмғир ҳам байрам кайфиятини тушира олмади. Қизиқарли ўйинлар, интерактив мuloқот тарзида ўтказилган тарғибот тадбири барчада бирдек илик таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши
Ахборот хизмати.

ДИҚҚАТ: ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МАЪРИФАТ МУТААССИБЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ДЕМАКДИР



Мустақиллик даври халқимизнинг тарихидаги энг муҳим воқеалар силсиласидан иборат. Асрий оғуларимиз қисқа муддат ичида амалга ошди. Айниқса, миллий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши ўзлгимиз, аслимизга қайтиш учун мустақам асос яратга бошлади.

Инсон сўзининг луғавий маъносини унутмоқ, эсдан чиқармоқдир. Бугун ўттиз ёшгача бўлган ворисларимизга шўролар давридаги истибодларни айтиб берсангиз, ишонмаслиги тайин. Ўз ватанимизда ўзга тилда сўзлашга маҳкумلىгимиз, бирор қарорни ўз ихтиёримиз билан чиқаролмаслигимиз, нима истеъмоқ қилишимиздан тортиб қайси кунга қаргга боришимизгача марказ томонидан белгиланиши, раҳбар ҳодимларга ўз яқинларининг ҳаёзасига қатнашиш маън этилгани, ҳудосизлик совет давлатнинг бош сиёсатига айланганидан эътиқодли одамларнинг чеккан аэобларини ёш авлод тасавуру ҳам этолмайд.

Бобомиз — Шайх Муҳиддинхон Ургануй нақшбандийлик тариқатининг шайхи, Туркистон ахлининг маънавий мурушиди бўлгани сабабли бизнинг оиламиз бошига ёйилган кулфатлар, доимий таъбиқ остида яшаш азобини тортиганимиз учун мустақиллик қанчалик бебаҳо неъмат эканлиги, уни асраб-авайлаш, ҳуррият замоннда умргузаронлик қилиш улус саодат эканлигини қайта-қайта таъкидлагим келади.

Бир ҳақиқатни айтиш керакки, мустақиллик — гуллар тўшалган текис ва равои йўл эмас. Мустақилликка эришиш қанчалик қийин бўлса, уни мустаҳкамлаш ундан-да заҳматли ва машаққатлидир. Авлодлар наздида шараф келтирадиган ушбу бебаҳо неъматни асраш йўлида кўп жонбозликлар, фидойиликлар лозим бўлади.

Балким қачонлардир фикрим ўзгарар, лекин айни кунларда шу фикрда собит турибман: билимсизликдан ҳам даҳшатлироқ фожиа йўқ. Чунки айнан чаласаводлик мутаассиблиқни келтириб чиқаради. Мутаассибликнинг турли кўриниши бор. Биз мутаассиблик ҳақида гапирганда, шўролар замонидан қолиб кетган одатимизга кўра диний мутаассибликни тушунаимиз, аммо динсизлик мутаассиблиги ҳам борлигини назардан соқит қиламиз. Диний бағрикенглик гоёси мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани ҳам мутаассибликнинг ҳар қандай кўринишлари олдини олди.

Етмиш йил давомда алифбоси уч марта ўзгарган халқимиз араб ёзуви ва шу ёзувда битилган китобларга ихлоси булакча. Айниқса, ўтган йилларда диний маърифатга бўлган ташналикнинг кучлилиги сабабли, оят ва ҳадисдан иқтибос келтириб гапирадиган ҳар бир кимса кўзимизга аллома бўлиб кўринди, бизга «ғамхўрлик» қилиб, бепул тарқатилган турли китоб китобчалардаги фикрлар айни ҳақиқат бўлиб туюлди. Ўзлгимиз, миллийлигимизни англаш ўрнига бошқаларга ўхшаб яшашга ҳаракат қилга бошладик. Айримларимиз ҳаттоки ўзимизнинг андиқонча ёки қаламипирхушқа дўппилардан воз кечиб, номзълум бош кийимини танлаб, савлатлироқ кўринишга ва шу ишмиз билан гўёки кўпроқ савоб олувчилар қаторидан жой олишга ҳаракат қилдик. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳини, Мариниюнинг «Ҳидоя»сини ўқиш ўрнига, ўз мақсадлари йўлида бу китоблардаги фикрларни бузиб талқин қилиш йўли билан сиёсий дастак асган айрим хорижий «уламо»ларга махфия бўлиб қолавердик. Натигада диний муҳитимизда бекарорлик юз берди, диний мутаассиблик билан динсизлик мутаассиблиги тўқнашувидан кўп беғувоҳ ёшларимиз жабр кўрди.

Президентимизнинг ана шу муаммо моҳиятигача етиб боргани, бағрикенгликнинг олий намунасини кўрсатиб, уни опти мўл сиёсий маҳбусни авф этиб, «қора рўйхат»ларни бекор қилиши мамлакатдаги диний сиёсатни тубдан ўзгартириб юборди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Бирлашган миллатлар ташкилотиде сўзланган нутқида ислом динининг моҳияти аслида маърифат ва тинчлик эканини гоят чироили тарзда жаҳон сиёсий арбобларига ўқитиб, жаҳолат ва ақиданарастлик ислом учун ёт эканлигини исботлаб берди.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

Даврнинг таҳликали таҳдидлари билан юзма-юз турган мамлакатимиз аҳолиси олдида ислом динини сиёсийлаштириш ва диний билимлари аҳминқадар бўлган ёшларимизни радикаллаштириш борасидаги уринишларнинг олдини олиш, бундай хатарларни жиддий таҳлил қилиш ва уларга муносиб жавоб беришни тақозо қилади.

Сўнгги уч йилда сўз эркинлиги қозғалган амалга кўчгани, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари халқ дарди ва муаммолари билан шуғуллана бошлагани айни ҳақиқат. Ҳаётнинг ўзи сўз эркинлиги бор жойда яшаш ҳам осонроқ, хавфсизроқ бўлишини исботлаб турибди. Шу билан бирга ана шу эркинлиқни тийқисизлик, босар-тусарни билмаслик, бетгачопарлик ва бетамизлик билан аралаштириб юбораётган ватандошларимиз ҳам, афсуски, топилиб турибди. Кичик бир оилавий муаммосига ҳам тузумни айбалаётганлар, шахсий манфаати йўлида бировни шарманда қилишдан қайтмайдиганлар андишанинг отини кўроқ қўйиб, кўнглиллари тусангача фитна тарқатиш билан оворалар. Тарихий манбаларда бу тоифа «ағво ахли» деб аталиб, қаердаки бу тоифа ҳал қилувчи овозга эга бўлса, уша ерда албатта нотинчлик бўлиши ёзилган.

Интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожлангани сабабли жамиятимизда блогерлар деган бир қатлам пайдо бўлди. Айнан уларнинг жонқуярлиги туфайли йиллар давомида эътибордан четга қолаётган кўлаб муаммолар ҳал бўлаётганини мамуният билан қайд қилиш лозим. Шу билан бирга, фидойи блогерларнинг халқ орасидаги обрў-эътиборидан фойдаланиб, ўзининг гаразли ниятларини амалга ошироқчи бўлаётган кучлар борлигини ҳам истисно қилмаслигимиз керак.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаётига бағишланган «Мақорим ул-ахлоқ» асариде келтирилишича, у киши шарият масалаларида замонанинг энг кўзга кўринган уламолардан бири — Мавлоно Фасихиддин Низомий билан ҳамиша маслаҳатлашиб иш тутган эканлар. Ўйлаб қоламиз: бутун ижоди кўрьоний оятлар ва ҳадис ҳикматлардан озиқланган, «Сирож ул-муслимин», «Арбаъин»дек бебаҳо диний-маърифий асарлар ёзган, шарият аҳкомларини бекам-кўст бажаргани учун «Низомиддин», яъни, динни тартибга соливчи, деган куня билан шарафланган Навоий бобомиздан шарият бобидаги эътиёткорлиқни ҳам ўрганиш ва ўргатиш вақти келмадимикан?!

Бу мисолни келтирганим бежиз эмас. Негаки, сўнгги пайтларда диний масалаларнинг муҳокамаси қайсидир маънода «мода»га айланиб қолди. Айниқса, халқимизнинг энг ҳассос нуқталаридан бири — эътиқод масаласи орқали арзон-гаров обрў орттироқчи бўлган айрим блогерларимиз Интернетдан ўқиган қайсидир ноаниқ манбага асосланиб фатволар бериши кишини таажужлантиради. Малакали шифокорга кўрсатиш ўрнига тиббиёт ҳақидаги маълумотнома орқали касални даволаш қанчалик хавфли бўлса, диний масалаларни ишонсиз китоблар ҳамда диний билими етарли бўлмаган кимсалардан ўрганиш ҳам ҳаётимиз, ҳам охиратимиз учун шунчалик хатарлидир.

Шайх Саъдий Шерозий буюрмишларким, уч нимарса уч нимарсасиз боқий қолмас ва тезда завол топар: мол — тижоратсиз, мамлакат — сиёсатсиз, илм — баҳссиз. Илмий баҳсга киришганда ҳақиқат албатта қарор топади. Ашъарий айтганидек, тавҳид илмидан ўзга барча илмда баҳслашмоқ раводир. Шу сабабли, ижтимоий тармоқлар ва интернет саҳифаларида берилган нотўғри фатволарга қарши уламоларимиз тезкор, аниқ ва холис раддиялар бериб, ёшларимизни турли бузғунчи ғоялардан авайлашга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Бугунги давр учун чаласаводлик ва лоқайдлик энг катта хатар бўлиб турибди. Чаласаводлик мутаассибликни келтириб чиқарса, лоқайдлик бу иллатнинг уриб кетишига замин ҳозирлайди. Бу иллатларга фақат маърифат ва фидойилик билан курашиш керак. Зотан, икки дунё саодатининг қалити ҳам маърифатдир.

Сайловолди дастури инсонпарварлик тамоийилларига тўла мосдир

Ўзига, илгари сураётган мақсад ва ғояларига ишончи бўлган инсонгина ён атрофдагиларни ўз ортидан эргаштира олади. Ана шундай фидойиларни сафида жамлаган Халқ демократик партияси ҳам ишонч билан жорий йилги сайловга қадам қўйди. Бу ўтказилган қурултойда амалий таклифлар билдирилганидан ҳам кўринди. Сайлов жараёнида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар аниқ белгилаб олинди. Айниқса, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларга тайёргарлик кўриш борасида самара берадиган таклифлар билдирилди.

Партияимиз раҳбари маърузасида қурултойдан-қурултойгача бўлган даврдаги ишлар чуқур таҳлил этилди, камчиликлар очик танқид қилинди. Шунингдек, эътибор қаратишимиз зарур бўлган жиҳатлар кўрсатиб ўтилди. Масалан, партиянинг жамоатчилик орасидаги нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги сайловчи билан олдингиларининг ўртасида катта фарқ бор, дея кўп давраларда таъкидлаймиз. Камчиликларимизни тан олиб, ҳулоса қилиб, келгуси режаларимизни белгиланганмиз. Аҳоли амалий ишга қараб баҳо беради. Биз сайловга тайёргарлик жараёнида амалга оширган лойиҳаларимиз ҳақида сайловчиларга етарли маълумот беришимиз лозим.

Ҳар бир сиёсий партия, аввало, Сайловолди дастурининг ҳаётлиги ва унинг ихлоси билан жамиятда обрў-эътибор қозонди. Шу боис, Халқ демократик партияси жорий йилги Сайловолди дастури-ни тайёрлаш жараёнига ҳам ўзгача ёндашди. Унинг халқчиллигини таъминлаш борасида пухта иш олиб борилди. Худудларда аҳолини ўйлантираётган муаммолар ечими бўйича таклифлар тайёрланди. Қисқаси, мамлакатимиздаги долзарб ижтимоий масалаларга эътибор кучайтирилди.

Партияимиз Сайловолди дастурида бозор иқтисодиёти шароити-

да энг муҳим масалалардан бири — аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламни қўлаб-қувватлаш масаласига алоҳида ургу берилган. Дастур мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, партия гоёси халқимиз табиятига хос бўлган меҳр-оқибат, бағрикенглик, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашиш каби инсонпарварлик тамойиллари билан йўғрилган.

Шунингдек, қурултойда партияимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўладиган сайлов учун ўз номзодларини кўрсатди. Энди партияимиз ғоялари, дастурий мақсадлари, номзодлар дастурлари тарғиботи кучаяди. Бу жараён ўтказилаётган тадбирларимиз таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратишимиз лозимлигини англатади. Сиёсий жараёнда барча фаолларимиз, ҳар бир номзодимиз оммавий ахборот воситаларида чиқиши партияимиз имижини яхшилашда муҳим роль ўйнашини ҳам унутмаслигимиз керак. Шунинг учун замонавий ахборот коммуниқация технологияларидан унумли фойдаланиш чораларини кучайтиришимиз муваффақият қалити бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Аброр ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент
шаҳар кенгаши раиси
ўринбосари.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий
кеңашлари
Ахборот хизматлари маълу
мотлари асосида тайёрланди

Одамларни ҳаётдан рози қилиш учун қандай имконият ва шароитлар яратилмоқда?

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЯНЧ ТОҒЛАРИДАН БИРИ»

Ёки фарғоналикларнинг ибратли ишлари ва ташаббуслари ҳақида

Ҳар бир шаҳар ёки вилоятга таъриф берилганда унинг ўзига хос жиҳатлари эътироф этилади. Қўнжа ва ҳаммаши навиқрон Самарқанд, Бухорои шариф, Тошкент шарқ дарвозаси...

Фарғонага «ғўзал» сўзи қўлиб айтилади. Бу сўз чиндан-да Фарғонага муносиб, Фарғонага ярашади. «Ўзал Фарғона» бу номи эшитилишимиз билан баҳри дилимиз очилади. Ўзал Фарғонанинг сўлим боғлари, қўркам қишлоқлари ва шаҳарлари кўз ўнгимизга келади. Тепасида доимо қор турадиган, бағри зангори гилам билан қопланган, пойда зило сувлар шарқираб оқаётган, ранг-баранг гуллар қўйғос очилган, минг хил шифобахш гиёҳлар термилиб турган, бўлутлардан бўса олмаётган пувиқор тоғлар...

Жуда қадим китобларда номлари қайд этилган Марғилону Қўқоннинг шонли ўтмиши, синовларга тўла кечмиши, дунёга маърифат улашган замонлари, мустақиллик йилларида эришган ютуқлари... Эҳ-хе... Фарғонанинг таърифи, табияти бир ён, одамлари бир ён. Асл фарғоналикларнинг кийиниши, юриш-туриши, гап-сўзи ҳам ўзига хос. Дўпписига қараб фарғоналикни дарров таниб оласиз. Ёки хушмуомаласидан, истараси иссиқлигидан ёки «кичча» деган шевасидан биласизки, бу инсон фарғоналик...

Фарғонада кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги ва саноатда эришилаётган ютуқлар, одамлар турмушини фаровонлаштириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида кўрсатилаётган ташаббуслар ва айниқса, Марғилонда ўтказилган халқаро фольклор мусика фестивали, сўнгра Қўқонда ўтказилган халқаро хунармандлик фестивали барчамизга қувонч бағишлади.

«Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган медиа-тур иштирокчилари Қўқон темир йўл вокзалида фарғоналик ижодкорлар ва жамоатчилик томонидан ҳушудлиқ билан кутиб олинди. Ҳамроҳларимизнинг ўзаро гурунларидан маълум бўлдики, кимдир узоқ йиллардан сўнг яқинда бу шаҳарда бўлган, ўзгаришлардан лол қолган, кимдир 3-4 йил илгари келгани, аммо шаҳар ўзгариб кетганини айтди. Дарҳақиқат, кенг ва равои қўчаларни, йўл четидagi турфа гуллар, тартиб билан шакл берилган дарахтларни кўриб, кўз қуванди. Бир-биридан муҳташам биналорга қараб, Қўқоннинг мустақиллигининг бошидаги аҳволи хотирага келади. Ер билан осмонча фарқ бор. Одамлар қанчалик гамга ботиб, бош эгиб юрганидан, бу қадим қўиси яро шаҳар ҳам гарибона кўринишда эди. Бугун одамларнинг чехраси очик, юзиди та-бассум бўлганидек шаҳар ҳам чирой очган, гўзал-қўркам...

Автобуса чиқганимизда «Алломалар музейи»га боришимиз эълон қилинди. Шаҳарнинг ҳуснига завқланиб-завқланиб тикилиб, кўнглимизда Қўқондек муътабар, гўзал шаҳримиз борлигидан гурунланиб, айтилган манзилга етиб келдик. Кенг ва равои йўлнинг ўнг томонида «Алломалар музейи», чап томондаги 5-қаватли замонавий уйнинг пештоқида «Санъаткорлар уйи» деган ёзувга кўзимиз тушди. Маълум бўлишча, музей ёнгинасизда Қўқон драма театри жойлашган экан. Бу уй Президентимиз топшириғига кўра қурилиб, театрда хизмат қилаётган санъаткорларга бепул берилган. Бейхитёр қувонсан, киши. Санъат, театр, маданият кишиларига қўрсатилган бу эътибор ва ғамхўрлик замирида катта маъно-мазмун бор, албатта.

«Алломалар музейи» ичкарасига қадам қўйишимиз билан руҳингизни ахиб бир ҳис-ҳаяжон чулғаб олади. Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур, Муқимий, Увайсий, Нодира каби улуг аждодларимиз сиймосига тикилиб, хаёлга чўмасиз, фахри-ифтихор қиласиз. Айни чоғда улар олдида қарздорлигининг, уларга муносиб бўлиш маъсулиятини англайсиз. Бу музей кишига билим беради, ҳузур бағишлайди, катта орзу-ниятларга даъват этади.

Қўқондаги ўзгариш ва янгиланганлик билан яқиндан танишиш учун бир кун етмаслигини айтишди.

Медиа-тур дастурига кўра, Қўқондан тўғри Риштонга қўлолчилар масканига йўл олдик.

Риштонликлар қадимдан қўлолчиликни хунардан санъат даражасига олиб чиқишган. Бу ерда қўлолчиликнинг ривожланишини тупроқ билан боғлашди. Тупроқ майин, таркиби ўзига хос. Бир замоналарда вилоятнинг турли ҳудудларидан қўлоллар келиб, Риштондан тупроқ олиб кетишган. Кейинчалик шу ернинг ўзида қўлолчилик ривожланиб борган. Ҳозир туманда мингдан зиёд оилавий устаконалар бор бўлиб, етти минг нафардан ортиқ киши ишлайди. Уларнинг ҳар бири учун меҳнат дафтарчаси юритилади.

Устаконалардан бирига кирдик, икки қаватли бинонинг биринчи қаватида оддий тупроқ ва сувдан қойнак, пилла, қоса, лаган, гулдон... ўнлаб хил бўюмлар ясалмоқда... Фарҳоджон деган уста йигитнинг қўллари чақон-чақон ҳаракатланади, кўз ўнгимизда бир зумда қойнақнинг асосини ясади. Қизлардан бири Зарғул қойнак жўрагини ясамоқда. Гулнора, Нилуфар, Махмуд ва Обида қойнак-пиллага гул солмоқда. Ранглар қаердан олингани билан қизиқдик. «Бу рангларда кимё йўқ, дарахтлар пўстпоғи, барглар, гуллар, меваги дарахтлар данакларидан ранглар олинади», дейишди. Яна



қўшимча қилишди: «Бизнинг чинниларнинг Хитойниқидан фарқи — биз табиий ранглардан фойдаланамиз, барча ишларни қўлда бажарамиз. Хитойда асосий ишларни техника бажаради.

Иккинчи қаватга кўтариламиз, Оҳ-ҳо... кўз қамашади. Бир-биридан нафис, гўзал турли-туман чинни, сапол бўюмлар... Ҳар бирини санъат асари дейсиз. Бу устакона маҳсулотлари 24 мамлакатга экспорт қилинар экан. Дили пок, қўли пок, қалбида самимият, гўзаллик яшаган кишилар бундай асарларни яратиши мумкин. Айтишларича, ҳозир Фарғонага келаётган хорижий туристларда бундай устаконалар катта қизиқиш уйғотиб, бўюмларни иштиёқ билан харид қилишар экан.

Яқин ўтмишда хунармандлар таъзиққа учраган даврлар ёдга тушади, булар яширинча, кўрқиб ишлашарди. Қўлга тушганлар, жаримага тортиларди, бўюмлари тортиб олинарди. Энди хунармандчиликни, хусусан, қўлолчиликни ривожлантириш бўйича қарорлар чиқмоқда, хунармандлар ҳар ташаббусли қўллаб-қувватланмоқда. Улар завоқ билан меҳнат қилишмоқда. Яна бир жиҳати, хунармандчиликни ривожлантириш билан янги иш ўринлари яратилмоқда, маҳсулот чет элга экспорт қилинмоқда. Хунармандлар устаконалари туризм йўналишларига киритилмоқда. Буларнинг ҳаммаси фақат фойда келтиради, одамлар маънавиятига хизмат қилади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Риштон нафақат қўлолчилик, балки бошқа соҳаларда ҳам қувонарли ютуқларга эришмоқда. Бозор янгитдан қурилди, бозор ичида китоб дўкони очилгани ибратли ташаббус бўлди. Гафла ва пахтадан мўл ҳосил олинмоқда, бунёдкорлик ишлари авжида. Йўллар таъмирланди, уй-жойлар қурилди, канализация ўтказилди, электр тармоқлари янгиланди. Химия ва математика чуқур ўргатиладиган хусусий мактаб, шерикчилик асосида мактабга таълим муассасаси қурилди. Ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Қўл қаватли уйлар қурилмоқда...

Бир сўз билан айтганда, Риштоннинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, шаҳар тусини олди. Бу ўзгаришлар, табиийки, одамларнинг ҳаёти, давлатга бўлган муносабатини ҳам ўзгартирмоқда...

Оптирик туманидаги фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муродованинг дала шийпониди учрашув бўлишини эшитиб, ҳаммамиз бирдан қувондик. Чунки жорий йилда бу юксак муқофотга сазовор бўлган Лола Муродова ҳақида кўп яхши гаплар эшитган эдик. Унинг ўзи билан учрашиб, юзма-юз суҳбатлашиш ҳар биримиз учун қизқарли эди, албатта.

Бағдод тумани далаларидан ўтиб, Оптирикқа бораёмиз. Бодринги, турпи билан машҳур Оптирик далаларида, гуллар бўйида батариб ишлов берилган уюмзорларни кўрдик. Эрта баҳорда пахта, бўғдой ерларидан 3000 гектари қисқартирилди, уюмзор ташкил этилибди. Яна денг, узумнинг энг яхши навлари етиштирилмоқда — «Келин бармоғи», «Ризамат ота», «Кетмонсопи»... Узумчилик сердаромад соҳага айланиб бормоқда.

Тўғриси, Лола опа билан учрашувдан асосий мақсад ижодкорлар бир бўлиб, уни қаҳрамонлик унвони билан табриқлаш, сўнгра бугунги ишлари, режалари ҳақида ўзидан эшитиш эди.

Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳаким, халқ шоири Анвар Обиджон, ЎЗА Бош директори Абдусайд Қўчимов, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, таниқли тилшунос олим, профессор Низомиддин Махмудов ва бир гуруҳ бош муҳаррирлар, журналистлар, шунингдек, бизга ҳамроҳлик қилган фарғоналик машҳур ижодкор, Сенатор, халқ шоири Энаҳон Сиддиқова, Фарғона вилояти журналистлари уюшмаси раиси Мухаммаджон Обидов каби ижодкорларни кўриб, қаҳрамонимиз хурсандчилигини яширамиз.

Медиа-тур аъзолари номидан сўзга чиққан Анвар Обиджон, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад Лола Муродовани қаҳрамонлик унвони билан

табриқлашди, қўллаб ҳайрли ишларини эътироф этишди, ҳирмониға барака тилашди. Қаҳрамонимиз хўжалиги 300 гектар, 410 нафар киши меҳнат қилади. 95 гектар ерда пахта етиштирилган. Иккинчи терим тугамди, режа ошириб бажарилган. Мўлжал — режани 150 фоиз қилиб бажариш.

— Ерининг ёмони бўлмайди, чўлми, қум-лоқми, инсон қўлига, меҳнатига боғлиқ, — деди Лола Муродова. — Ерга хиёнат қилмасанг, Худо ҳам бераркан.

Бу сўзлар ҳалол меҳнатидан барака топиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган қаҳрамоннинг ҳаётии ҳулосалари.

Фарғона вилояти Тадбиркорлар маркази мажлислар залида халқаро матбуот маркази вилоят бўлими раҳбари Мухаммаджон Обидов бошчилигида «Сўз эркинлиги масъулияти» мавзусида тадбир ўтказилди. Маҳаллий журналистлар иштирок этган бу мулоқот қизгин баҳс-мунозара билан ўтди. Сўз эркинлиги, фикр эркинлиги бўйича танқидий фикрлар айтилди, тақлифлар билдирилди. Сўз эркинлигини суиистеъмол қилиш, қонунларга эътиборсиз қараш номаъқул ёндашиш экани айтилди. Танқид ҳолис, асосли, маданиятни бўлиши лозимлиги таъкидланди.

«Водий тулпорлари» от комплексида жуда қизиқарли маълумотларни эшитдик. Қайси бир асрларда Хитой императори элчиси томонидан Фарғонанинг қора байир отларидан бир нечтаси Хитойга олиб кетилиб, кўпайтирилган экан. Ҳозирда Пекин ва Урумчидаги от заводларида қора байир отлари етиштирилар экан.

Бугун Фарғонанинг ўзида ҳам бу ноёб отлари кўпайтириш йўлга қўйилган. 8 гектар майдонда отлар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, 48 та от боқилмоқда. Той 4 йилда от бўларкан, 10-12 ёшда кучга тўларкан. Бу отлар спорт клубларига, чегарачиларга, Миллий гвардияга етказиб берилади.

Қиска икки кун орасида қўрган, билганларимизнинг ҳаммасини бир мақолада айтиш қийин, албатта. Аммо бизнинг итти-мосимиз билан вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида тайёрланган маълумотномалардан айрим рақамларни келтирмасак бўлмайди.

2019 йил сентябрь ойи якуни билан 23724,8 миллиард сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот яратилди, ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 106,1 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (14348,2 миллиард сўм) 107 фоизни, истеъмол моллари (4557,7 миллиард сўм) 108,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти (13767,9 миллиард сўм) 104 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 67,6 фоиздан иборат бўлди.

Қайси соҳани олманг, ўсиш, ривожланишни кўрасиз. Айниқса, ташки иқтисодий алоқаларда эришилган натижалар кишини қувонтиради. Вилоятнинг ташки савдо айланмаси ўтган 9 ой мобайнида 1037,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт — 436,1 миллион АҚШ доллари, импорт — 601,1 миллион АҚШ долларида иборат бўлмоқда.

Экспортта расмийлаштирилган товарлар ҳажми 408,6 миллион АҚШ доллари ташкил этди ва ўтган йилга (403,7 миллион АҚШ доллари) нисбатан 409 миллион АҚШ доллариға ёки 11,5 фоизга кўпайди. Ҳисобот даврида 22,7 миллион АҚШ доллари қийматидagi саноат маҳсулотлари 28 давлатга экспорт қилинди. Энг катта улушни Россия, Афғонистон, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон давлатлари ташкил этди. Асосан нефть маҳсулотлари, хўжалик моллари, пахта целлюлозаси каби товарлар экспорт қилинди.

Дехқончиликда фарғоналиклардан ўтадиганини топиш қийин. Узумми, бодрингми, турпми, гилосми — қайси навларни экиш, етиштиришни улардан ўрганиш керак.

Бу йил пахтачиликда ҳам фарғоналик дехқонлар ибрат кўрсатишди. 26 иш куниди режа бажарилган. Ниманинг ҳисобига бу ютуққа эришилди? Вилоятдаги жами 82,1 минг гектар пахта майдонларининг 9 тумандаги 63,2 минг гектари (77

фоиз) 9 та пахтачилик кластерига бириктириб берилди. 2800 гектар майдонда ғўзани томчилатиб сўғориш тизими жорий этилди.

Олим ва мутахассислар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, кластер корхоналар тақлифлари ҳудудларнинг тупроқ иқлим шароити, сув таъминоти ҳисобга олиниб, чигит навлари танланди. «С — 8290», «Наманган — 77», «Султон», «С — 6524» навлари экилди. Ўза парваришидан бошлаб йғим-терим ишларига аниқ режа асосида олиб борилди... Уларнинг ҳаммасини бориб кўриш, ўрганиш, ибрат олиш керак, деб уйлаймиз.

Энг муҳим вазифалардан бири — бандлиқни таъминлаш масаласида ҳам режа октябрь ойигача 105,8 фоизга бажарилган. Яъни, январь-сентябрь ойлари давомида 30431 янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган бўлиб, 8268 лойиҳани амалга ошириш натижасида 32190 иш ўрни яратилган.

Бир пайтлар туман ёки вилоят раҳбари фаолиятига пахта ва гафла режаси қандай бажарилганига қараб баҳо бериладир. Аниқроғи, бу икки масала ҳокимлар тақдирини хал этарди. Энди замон ўзгарди, сиёсат ўзгарди, ҳокимларга талаб ҳам ўзгарди, кучайди.

Энг биринчи савол: одамларни ҳаётдан рози қилиш учун қандай шароит ва имкониятлар яратилди? Инсон манфати билан боғлиқ Давлат дастурлари қандай бажарилмоқда? Бу саволларга Фарғонада ижобий мисоллар қўллаб топилади. Ҳар бир соҳада ривожланишни кўрасиз. Бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилмаган, албатта. Ҳар бир ракам ортда қанчалаб кишиларнинг фидойи меҳнати ётипти.

Фарғонадан қайтаётиб, ўйлайди: фарғоналиклар қадим-қадимдан санъат соҳасида ҳам ибрат кўрсатиб келишган. Юсуфжон қизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Муҳиддинқори Ёкубов, Тамара-хоним, Гавхархоним, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ҳалима Носирова, Мухаррама Тўрғунбоева, Саодат Қўболова, Берта Давидова... Бугун ҳам уларнинг муносиб шогирдлари аънанани давом эттиришмоқда...

Фарғоналик шоирлар — Муқимий, Увайсий, Нодира, Амирий, Ёркин Воҳидов, Анвар Обиджон... Ҳар бири буюк, улуг.

Илм-фан соҳасида ҳам фарғоналик олимларнинг муносиб ўрни бор. Қанчалаб Марғинойлар, Фарғонийлар етишиб чиқиб, ўлмас асарлар, кашфиётлар яратишган.

Фарғоналик спортчилар ҳам дунё майдонларига мана-ман деганларни доғда қолдириб келмоқда. Боксчилар Элшод Расуллов, Бектемир Мелиқўлиев, велоспортчи Сергей Логутин, таэквондоч Ақмал Эргашев... Улар кўп, янада кўпаяди.

Бугун қишлоқ хўжалигида ҳам, саноатда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу улкан ютуқларнинг, кўп соҳаларда пешқадамликнинг сабаблари нима-дайкин? Фарғонанинг табиятиданми ёки одамларнинг табиятиданми? Эҳтимол, Фарғонада ўзбекана урф-одатлар, қадриятлар нисбатан кўпроқ сақланиб қолганидадир?.. Ҳар ҳолда бугун фарғоналиклар кўп ишларда ибрат кўрсатишмоқда. Одамларнинг чехраси очик, юзиди табассум. Кўнгли хотиржам одамнинг чехраси очик бўлади. Фарғонанинг гўзал манзаралари билан одамларнинг юз-кўзидаги қувонч, фэйз бир-бирига уйғунлашиб кетгандек...

Муаммолар, қилинажак ишлар ҳам оз эмас, албатта. Бандлик масаласи, аҳолини уй-жой билан тўла таъминлаш, сув таъминоти, маданий ва спорт иншоотлари бунёд этиш, қишлоқ хўжалигига инновацион ғояларни кўпроқ татбиқ этиш...

Булар ҳаммаси бирма-бир бажарилади, албатта. Фарғонада бугун шитоб билан амалга оширилаётган ислохотлар, дадил қадамлар бунга кишини ишонтиради.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовни бугун бутун дунё олим, шоир, бастакор, спорт устаси, генерал каби кўплаб сифатлари билан ҳам жуда яхши танийди.

Президентнинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги қарашлари, она халқи, жонажон юрти фаровонлиги ва ривожни йўлидаги қатъий, дадил, оқилона сиёсати, ислохотлари туркман номи, Туркменистон доғруғини халқаро ҳамжамиятга янада яқиндан танитмоқда. Давлат раҳбарининг «Арқадагинг бахтли замони», «Туркменистоннинг улкан зафарлар ва саодатли йиллари», «Туркменистон — фаровонлик ва тараққиёт мамлакати», «Туркменистон барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида» номли китоблари бунга ёрдам берди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов асарларида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини янада ошириш масалалари» мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция мазкур асарларнинг таҳлили, таъсифига бағишланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат молия институтини томонидан ташкил этилган анжуманда Фанлар академияси аъзолари, таниқли иқтисодчи олимлар, молия ва иқтисодиёт соҳаларининг мутахассислари ҳамда Туркменистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Ташкидланганидек, ҳеч шубҳасиз, тили, дини, тарихи ўзаро муштарак бўлган ўзбек ва туркман халқлари асрлар мобайнида бир дарадан сув ичиб келгани каби илм-фан маданият, адабиёт ва саънат соҳаларида ҳам ҳамдўст, ҳамфикр. Ана шундай маданий ва руҳий яқинлик туфайли диллимиз дилимизга, тилимиз тилимизга дайиванд бўлиб кетган, десак мубоғга бўлмайди. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

«Арқадагинг бахтли замони». Анжуман Туркменистон Президентининг 2017 йилда чоп этилган ана шу асари тақдими билан бошланди.

— Аввало, мазкур асар ўз халқи ва Ватанига чексиз меҳр, садоқат, фидойилик ҳислари билан ёзилгани эътироф этиш жоиз, — деди Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қаландар Абдурахмонов. — Унинг биринчи боби «Ватан ва халқ учун қўйиб-ёниб яшаган юрак» деб номланиши ҳам бунинг яққол исботи. Ундаги 14 бобнинг ҳар бирида туркман халқининг бугунги ижтимоий, иқтисодий тараққиёти пухта таҳлиллар асосида ёритилган. Унинг номла-нишида ҳам ўзига хос маъно бор. Яъни «арқада» сўзи «орқадаги тоғ», «таянч», «йўлбошич» деган маъноларни ифода қилади. Шу нуқтаи назардан, китоб Туркменистоннинг Арқадаги томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий стратегияга асосан мамлакат эришган ва эришаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Асарнинг «Миллат етак-чиси» бўлиб, китоб Туркменистоннинг Арқадаги томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий стратегияга асосан мамлакат эришган ва эришаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Асарнинг «Миллат етак-чиси» бўлиб, китоб Туркменистоннинг Арқадаги томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий стратегияга асосан мамлакат эришган ва эришаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси профессори, иқтисодий фанлари номзоди Шайло Эргашеванинг сўзларига кўра, китоб Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги Туркменистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, макротики-содий кўрсаткичлар ва ташқи иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш масалаларини қамраб олган. — Ўшбу китобни яратиш ғояси 2015 йилда Туркменистон ҳукумати делегациясининг БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош Ассамблеянинг 70-йилбей сессияси Барқарор ривожланиш мақсадлари Саммити доирасидаги хизмат сафари давомида туғилганлиги муаллифнинг кириш сўзида айтиб ўтилган, — деди Ш.Эргашева — Жумладан, «Ўшбу тарихий учрашувнинг энг муҳим натижаси жаҳон ҳамжамияти томонидан ўрта муддатли истиқболда глобал муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасининг қабул қилиниши бўлди», деб ёзади муаллиф. Туркменистон минтақада биринчилардан бўлиб глобал мақсадларни мослаштиришга киришганлиги, натижада 17 та мақсад, 148 вазифа ва 175 БРМ кўрсаткичлари бажарилганлиги асарда ўз ифодасини топади. Туркменистонда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши натижасида аҳоли даромадлари ва ўртача иш ҳақининг 2018-2030 йилларда ўсиш динамикаси 3,9 марта ошиш давлат стратегик дастурига киритилганлиги аниқ рақамларда келтирилган.

Долзарб фикр ва ғоялар, амалий тақлиф ва ҳулосалар. Айни жиҳатлар Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг юқорида номи зикр этилган тўрт китобига бирдек хос ва мос. Уларда акс этган туркман халқининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги, мамлакатнинг халқаро мавқеини ошириш йўлидаги дадил қадамлар, катта мақсадлар Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларига ҳаммадан. Шу нуқтаи назардан ушбу асарлар ўзбек ва туркман китобхонларининг эътибор ва эътирофига сазовор бўлиши аниқ.

Феруза МИРЗАКОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини қайта тиклаш, маънавий ва моддий қўллаб — қувватлаш борасида давлатимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги стратегияси

мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилиб келаётган эди

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

Ўтган йиллар давомида соҳа ривожини таъминлашга хизмат қиладиган фармойиш ва қарорларнинг амалиётга татбиқ этилгани, энг асосийси, бу меъёрий ҳужжатларнинг халқаро талабларга мослиги фаолиятимизга катта туртки берди. Чунки, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш учун қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ҳамда давр талабига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлаш имкониятлари пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мамлакатни, айниқса, унинг қишлоқ хўжалиги соҳасини аввалги тизимдан янги, халқаро ҳамжа- миятда қўлланилаётган бозор иқ- тисодиёти тизимига ўтказиш ва бу мураккаб жараён узқ давом этиши билан бирга, жуда катта ҳажмдаги маблаг ҳам талаб қилар эди. Албат- та, шунга мос равишда малакали кадрлар армиясини тайёрлаш зару- рати ҳам олдимизда турган катта ма- сала эди. Қишлоқ хўжалиги олдида турган мана шундай ўта мураккаб муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш учун муҳтарам Ўртбошимиз 2019 йил 23 октябрда «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йил- ларга бўлган стратегияси» ҳақида фармон қабул қилди.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз кераки, бу билан мамлакатимизда илк бора қишлоқ хўжалигининг кела- жаги белгиланди, яъни таъкидлаш жоиз бўлса, келажак учун пўлат из- лар қўйилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги- нинг асосий ишлаб чиқариш воси- таси ер, тупроқ ҳисобланади. Ўзбе- кистоннинг асосий деҳқончилик юри- тадиган сугориладиган ерларнинг унумдорлиги табиатан паст ва унинг унумдорлик даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичи, яъни гумус миқ- дори кам бўлиб, тупроқ турларига кўра асосан 0,6-1,5 фоизни ташкил этади.

Ўртбошимиз қўллаб қишлоқ хў- жалиги раҳбар ва мутахассислари билан бўлган учрашув, йиғилиш- ларда очик таъкидлашларидек, тупроқларимиз узоқ йиллар мобай- нида асосан пахта хом-ашёси етиш- тирилиб, ҳақиқатан ҳам, чарчаган, унумдорлиги сезиларли даражада пасайган ва пасайиб бормоқда. Буни Тупроқшунослик ва агрохимик илмий тадқиқот институти маълумотлари ва «Ўздавергеодезкадстри» қи- мтасининг ҳисоботларидан ҳам кўриш мумкин. Бошқача айтганда, «Ка- саллиқни яширсанг, иситмаси ошқор қилар», деганларидек, энг унумдор, сув билан таъминланган ерларда етиштирилаётган пахта ҳосилдорли- гига эътиборни қаратсак, буни яққол кўрамиз. Қанча ҳаракат қилинамиз, ер ҳосилдорлигини ошириш бораси- да сезиларли олға силжиш узоқ йил- лардан бери кузатилмаётган. Бунинг

этиш масаласини кун тартибига қатъий қўйдилар. Чунки, ер, тупроқ қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, халқимиз эъзозлаб «Она ер» деб бежиз айт- майди. Тупроқдаги гумус миқдори ва сифати унинг барча агрономик жиҳа- тидан қимматли бўлган хусусиятла- рини, яъни сув-физик, биологик, озу- қа элементлари захиралари, намлик ва иссиқликни сақлаш, умуман ҳосил бера олиш қобилиятини белгилайди. Гумус таъкидлагични бартараф этиб, унинг ижобий балансига эришиш учун тупроқдаги гумус ҳолатини бош- қариш зарур.

Шу боис ерни органик моддалар билан бойитишнинг муҳиб йўлла- ри, усуллари ва технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг ёчимини тоғлиш учун масъул бўлган «Қишлоқ хўжа- лиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази» тизимидаги мутасадди илмий-тадқиқот институт- ларида жуда қўллаб маҳаллий, ҳам- корликдаги хорижий лойиҳалар мува- фақиятли амалга оширилган ҳамда бир қатор докторлик диссертацияла- ри ҳимоя қилинган. Умид қиламизки, ушбу тадқиқотлар мамлакатимиз қиш- лоқ хўжалигини 2020-2030 йилларга ривожлантириш стратегияси бос- қичларини илмий асосланган ҳолда оширилишида ҳамда самарали жорий этилишида муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳақиқатан ҳам, тупроқ унумдор- лигини қайта тиклаш, сақлаш ва ошириш муаммолари бўйича илмий- тадқиқот институтлар ҳамкорлигида комплекс равишда назарий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ама- лиётга жорий этиш лойиҳаларига Инновацион ривожланиш вазирлиги устувор вазифа сифатида эътибор бериши, ушбу йўналишнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда (тажриба-тадқиқотнинг бир ро- латиясида 9-12 йилгача талаб этила- ди) айрим умумий талаблардан че- киниш, ўзгартаришлар киритилиши максатда мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тошкент давлат аграр универси- тетини профессор-ўқитувчилари ҳам тупроқ унумдорлиги муаммосини маҳаллий шароитлар имконият- ларидан келиб чиққан ҳолда янги тежамкор услуб ва лойиҳаларни излаб топиш ва амалиётда қўллаш устида изланишлар олиб бормоқда. Айни пайтда бу борада илмий тадқи- қот институтлари билан ҳамкорли- қда ишлаш йўлга қўйилган.

Шунингдек, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Стратегиясида чорвачилик ҳамда унинг маҳсулотларини кескин оширишга жиҳдий эътибор қаратилиши ҳам назарда тутилган. Фикримизча, рес- публика чорвачилик комплексини талаб этиладиган озсулар меъёрига нисбатан 35 фоиз атрофида таъмин- ланиши бугунги ҳолатини ҳамда кела- жакда қандай муаммолар кутаётган-



лигини акс эттириб турибди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Пре- зидентимизнинг 2019 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Респу- бликаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тў- рисида»ги қарорининг 3-иловасида «Ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш бошқармаси» бошқа- рув тузилмасига кирилгани ҳам мақ- садга мувофиқ бўлди. Бундан мақсад қишлоқ хўжалиги экинларини талаб ва заруратга кўра оқилона жойлаштириш натижасида чорвачиликни ҳам етар- қик озуқа билан таъминлаш режалаш- тирилиши инобатга олингандир.

Тупроқ унумдорлигини жадал тиклаш учун чорвага-озуқа, ерга- органика, илдиз, анғиз қолдиқлари, сидерат экинлари, айниқса, тупроқ- қа ўнг кераклигини ўнғимаслигимиз керак.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини қайта тиклаш, маънавий ва моддий қўл- лаб-қувватлаш борасида давлати- миз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, акаде- мик фаолиятнинг қайта тикланиши, илм-фан, кадрлар тайёрлашга жалб этилиши, олимларнинг ойлик маоши- ни таъминлаш, малакали кадр- лар тайёрлашни халқаро талаблар даражасига босқичма-босқич олиб чиқиш, университетимизнинг барча йўналишларини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» Қишлоқ-хў- жалиги вазирлиги, Олий ва ўрта мах- сус таълим вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

«Йўл харитаси»да бугунги ва эр- танги ҳамда ривожлантириш страте- гиясида кўрсатиб ўтилган тааллуқли долзарб муаммо ва вазифалар қам- раб олинган.

Жумладан, тупроқ унумдорлиги- ни тиклаш, сақлаш ва ошириш йў- налишида бўлган тупроқшунослик ва агрохимик, деҳқон-чилик ва мел- лиорация кафедраларининг ўқитиш дастурлари тубдан қайта қўриб чи- қилмоқда. Зарур ҳолатларда дарс- лиқлар қайта чоп этилади.

Шунингдек, «Агробиология»

йўналишидаги талабаларга деҳқон- чилик тизимлари, қишлоқ хўжалиги экинлар структураси, алмашлаб, навбатлаб экишни лойиҳалашти- риш, жорий этиш ҳамда тупроқ унум- дорлигини тиклаш ва сақлаш бўйича янада юқориқос босқичда назарий- амалий малака бериш ва амалиёт- га қўллаш максатида «Ғўза ва ғўза маҳмутидаги экинларни алмашлаб, навбатлаб экиш» янги фан дарслиги киритилиб, ўқув жараёнларида таж- риба сифатида жорий этилмоқда.

Келажакда ушбу фанни агробиоло- гия гуруҳлари бўйича кенгайтириш режалаштирилмоқда. Қишлоқ хў- жалигида инновацион ресурси те- жамкор технологияларни қўллаш, фан янгилликларида хабардор бўл- ган «ақлли қишлоқ хўжалиги» (smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлашга жуда катта эътибор қаратилганлиги диқ- қатга сазовор.

Маълумки, қишлоқ хўжали- ги жуда ҳам кенг ҳамда мураккаб соҳа. Мураккабнингнинг асосий сабаби, унинг табиатга ҳамда та- бий ресурсларга бевосита боғ- лиқлигидир. Фаслга номуносоиб равишда кун исб ёки совиб кетса, ёғингарчилик кам ёки кўп бўлса, ёки сел, дўл, кучли шамол, қиров каби табиий таъкидлагич бўлса, қишлоқ хўжалигида таъкидлагич муаммолар келиб чиқаверади. Шунинг учун ишлаб чиқаришдаги тизимли муам- моларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича «Ахборот — маънавият маркази — кафедралар — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарув- чиси» тизимини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича умуман янги йўналиш топириги белгиланган.

Бу эса таълим — фан — кафед- ра — ишлаб чиқаришнинг тизимли асосда узвий интеграциясини жи- ддий боғлашга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига мут- тасил юқори малакали кадрлар тайёрлаш негизини мустаҳкамлаш, соҳага ёшларнинг қизиқиши бўлган- ларни тарбиялаш, академик лицей

ва касб-хунар коллежлари таълим дастурларининг изчиллигини таъ- минлаш ҳамда бошқа қўллаб-ҳаёт- ли долзарб масалалар, вазифалар қамраб олиниб, уларнинг ёчимини ҳал этиш бўйича жадал изланишлар олиб боришмоқда.

Республика томоғқа хўжалик- ларининг умумий ҳолати чуқур ўр- ганилди. 697 минг гектардан ортиқ унумдор, сув билан таъминланган ер майдонларидаги энг катта муам- мо — турли хил экинлар, сабзавот- лар, мева-пелазавор, буга, дарахт- лар, узум, анор ва бошқалар аралаш ҳолда етиштирилиши ҳисобига тур- ли-туман касаллиқлар, ҳашаротлар зарар келтирилаётганлиги аниқлан- ган эди. Натижада етиштирилаётган ҳосил бозорга чиқиши ў ёқда турсин, зўрға томоғқа эгалари эҳтиёжини қўлламоқда. Томоғқа ерларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш мақсадида «Ўсимликлар клини- каси» ни ташкил этиш бўйича уни- верситетимизнинг инновацион госяи маъқулланиб, Ўзбекистон Республи- каси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 сентябрдаги 734-сон қарори билан тасдиқланиб, жадал равишда жорий этиш ишлари бошлаб юбо- рилди. Лекин кейинги вақтларда не- гадир эътибор сустлашгандек кўрин- моқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжа- лигини ривожлантириш Страте- гиясида олға сурилаётган илгор ғоялардан бири бу, бир маҳалла — бир махсулот турини етиштириш тизимини ташкил этиш, бир худуд- ни ўша ерда энг самара берадиган экин турига бевосита ихтисослаш- тириш бўлиб, ўсимликларни ҳимоя қилиш, яъни «Ўсимликлар клини- каси»га, айниқса, биологик усулга эътиборини янада кучайтириш та- лаб этилади.

Ҳозирда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги кадрлари бугунги, эртанги ва ундан кейинги давр талабларига тайёр бўлишлари катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун янги босқичда юқо- ри малакали кадрлар тайёрлашда талабларга минтақавий-худудий деҳқончилик юртиш фанини, айниқ- са, амалиётини ўтишда, талабнинг битирув малакавий иши ҳамда ма- гистратурада ўзининг қобилиятига яраша мавзу, йўналишни танлашда устозларнинг роли бекиёс бўлиб, уларнинг ҳар бир талабага алоҳида эътибори, синчковлиги талаб этила- ди. Бу эса мамлакатимиз учун ҳақи- қий соҳа эгасини тайёрлашда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларга ривожланиш стратегиясини муваф- фақиятли амалга оширилишида ал- батта ўз мевасини беради, деб умид қиламиз.

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори, академик.

Пиёдалар ҳаракати серкатнов бўлган худудларда

қўшимча ер ости ва усти ўтиш жойлари барпо этиш юзасидан тақлифлар киритилган

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар таҳлилга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ички ишлар вазирни- нинг матбуот котиби, полковник Шохрух Ғиясов ҳамда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси раҳбарияти ва бошқа масъул хо- димлари иштирок этди.

— Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бош- қармаси ва унинг худудий идора- лари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида жами 4 миллион 607 минг 34 йўл ҳарака- ти қоидабузарлиги, жумладан, 2 миллион 55 минг 254 қўпол қоида- бузарлик, 25 минг 120 нафар маст ҳайдовчи, шу билан бирга, 252 минг 72 нафар қоидабузар пиёда- лар аниқланди, — дейди Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавф- сизлиги бош бошқармаси бош- лиги ўринбосари Эрали Бозоров. — Шунингдек, бу даврда 19 минг 436 транспорт воситасини бош- қариш вақтида уяли телефондан фойдаланиш, 779 минг 909 хавф- сизлик камарини тақмаган ҳолда транспорт воситасини бошқариш, 628 мониторингдан фойдаланиш ёки ўзбошимчилик билан ўрнатиш, 41 минг 179 транспорт воситасини сугурта полисисиз бошқариш қои- дабузарликлари ҳам аниқланган.

шимча ер ости ва усти пиёдалар ўтиш жойларини барпо этиш юза- сидан тегишлилиги бўйича барча ташкилот ва идораларга тақдим- нома ҳамда тақлифлар киритил- ган.

— Куннинг тигиз вақтларида автомобиллар йўлда ҳаракат- ланганда чорраҳалар ва пиёда- лар ўтиш жойларида сабасиз сигнал чалаётган ҳайдовчилар- га қандай чоралар кўрилади?

— Бу каби ҳолатлар доимий равишда назорат қилиб келинмоқ- да. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи да- вомида сабасиз автомашина сиг- налини чалган 15 миңдан ортиқ ҳайдовчига нисбатан маъмурий тартибда чора кўрилган.

— Шаҳар ичида банд овоз чиқарувчи автомашиналардан фойдаланишга рухсат этилган- ми?

— Кейинги вақтларда бу ма- сала ҳам диққат марказимизда турибди. Бу каби ҳолатларни бар- тараф этиш устида иш олиб бо- рилмоқда.

— Тирбандликларнинг ол- дини олиш мақсадида куннинг тигиз вақтларида қатнов юқори бўлган чорраҳаларга ИПХ инс- пекторларини қўйса мақсадга мувофиқ бўлмаслигини?

— Бу каби ҳолатлар доимий равишда назорат қилиб келин- моқда. Куннинг тигиз вақтларида қатнов юқори бўлган чорраҳалар- га ИПХ инспекторларининг хизмат ўташлари белгилаб берилади.

— Йўлларда қоидабузарлик содир этган ҳайдовчиларни



видеотасвирга тушириб, ушбу ҳолат ҳақида Йўл-патруль хиз- мати ходимларига маълумот берган фуқароларнинг шахсини ошқор қилиш мумкинми?

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, йўл ҳаракати хавф- сизлигини таъминлашда фуқаро- ларнинг иштироки бўйича мара- казлашган автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқилди. Яъни авто- транспорт воситаларига ўрнатил- ган видеорегистраторлар орқали қайд этилган қоидабузарликлар духх.ejara.uz сайтига юборила- ди ва юборган фуқаронинг шахси ошқор қилинмайди.

— Йўлларда ҳаракатланиб кетаётган фуқароларда вазият туфайли тез тиббий ёрдам ва



— Хизмат олиб бораётган йўл-патруль хизмати ходими- нинг ҳаракатларини ҳайдовчи- лар тасвирга туширса ва ижтимоий тармоққа жойлаштирса бўладими?

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, Йўл ҳа- ракати қатнашчилари ИПХ хо- дими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурилмага тасвирга олиши мумкин. Тасвирга олиш тақиқ- ланмаган.

— Автоматналарга кучай- тирилган авточиқроқларни ўр- натиш мумкинми?

— Умумий техник регламента кўра, транспорт воситалари қис- мларини ишлаб чиқарган завод то-

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Яқин ўтмишда оддий туз ва гугуртгача четдан олиб келинарди.

«Экспортбон ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юқори қўшилган қиймат яратишга йўналтирилган саноат сиёсатини юритишимиз зарур. Мавжуд хомашё ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш ва қўламини кескин кенгайтириш ушбу саноат сиёсатининг негизи бўлиши керак.»

Бу фикрлар мамлакатимиз Президенти томонидан 2019 йил 17 сентябрдаги видеоселектор йиғилишида билдирилган эди.

«Маҳаллийлаштириш» тушунчаси Ўзбекистон иқтисодий лугатидан 90-йилларнинг ўрталарига келиб, муқимроқ жой ола бошлади. Содда қилиб айтганда, унинг ўзаги « маҳаллий»га, яъни «кой», «маълум бир жойга доир», «ўрин» каби сўзларга тақабил борган маҳаллий шарафатда қўламоқ, маҳаллий шароитта мослаштириш деган маънони ифода этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки ойлардан маҳаллийлаштиришга бўлган эҳтиёжини жуда қаттиқ ҳис қилди. Хис қилганига эмас, унинг ҳаёт-мамотини белгилайдиган вазифага айланди. Чунки, ўша пайтда юртимиз барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича собиқ иттифоқ республикалари ичиди охириги ўринларда турар эди. Кундалик эҳтиёж учун зарур истеъмол молларининг учдан икки қисми, ҳатто оддий туз ва гугуртгача четдан олиб келинарди.

Халқимиз ризқ-насибасининг ўзаги бўлган ўз дониғим, беминнат нонимизга эга эмаслигимиз катта муаммоларни келтириб чиқарди. 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмол молларини етказиб беришда узилишлар содир бўлди, мамлакат жуда оғир аҳволга тушиб, нақ ошарчилик оstonасида туриб қолди. Эҳтиёжини қондириш учун 6 миллион тонна ғалпа зарур бўлса, омборлардаги мавжуд дон икки-уч ҳафтага етар-етмас эди.

Хўқумат ғалпани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлди. Ана шу аччиқ сабоқ пахтазорларни қисқартириб, ғалпа майдонларини кенгайтиришга, элимизни ўз дони ва нони билан таъминлашни энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўйди. Статистик маълумотларга қараганда, агар 1990 йилда республика аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, шу жумладан, дон, картошка, гўшт, сўт ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг аксарият қисми ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар вазизига таъминланаяпти. 2019 йилда ғалпа хирмонининг 7 миллион тоннадан ошганлиги ҳам маҳаллийлаштириш сиёсати муваффақиятининг яна бир далолати бўлди.

Мамлакатимизда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2000-2016 йиллар мобайнида қиймати 5,5 млрд АҚШ доллари-дан ортиқроқ 2,8 мингдан зиёд лойиҳалар амалга оширилди, илгари импорт бўйича келтирилган 4,8 мингдан зиёдорроқ янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши 20 фоиздан қўпроқни ташкил этди. Дастлаб импорт ўринини босиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 52 хилли эса, бутунги кунда экспорт қилинмоқда.

ТАРКИБИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ

Юртимизда иқтисодий таркибий ўзгаришлар, саноатни диверсификация қилиш тўғрисида янги-янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос солинаяпти.

Лекин ҳеч бир мамлакат дунёдаги бор неъмат ва маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқара олмаганидек, юртимизда ҳам саноатимиз учун зарур бўлган товар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмларни тайёрлаш, хомашёни чуқур қайта ишлаш устиворлик касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 майдаги « Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, уларнинг 100 га яқин янги турини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тавсия этилди. Бу борадаги чора-тадбирлар: озиқ-овқат, трикотаж буюмлари, канцелярия моллари, қурилиш материаллари, резиналар, пластмассалар ва улардан тайёрланадиган товарлар, кимё маҳсулотлари, металллар ва улардан ясалган буюмлар, асбоб-ускуналар каби йўналишларни қамраб олган. Лекин бу фақат рўйхатдан жой олган йўналиш ва маҳсулотларгагина эътибор қаратилади, дегани эмас. Қарорда унинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси қарорига қўра, ҳар ярим йилда камда бир марта янгиланиб борилиши белгилаб қўйилган. Бу жараён ўз навбатида ҳудудларнинг табиий, минерал хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳияти, тегишли инфратузилмаси, импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмлари, таркиби ва тури, шунингдек, ишга туширилаётган йирик ишлаб чиқариш қувватларининг истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилади.

ИМТИЁЗ ЎРНИГА САМАРАЛИ ТИЗИМ, ЕНГИЛЛИКЛАР ЎРНИГА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ, ИЖРО УЧУН МАСЪУЛИЯТ

2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб маҳаллийлаштириш давлат дастуридан ўрин олган маҳсулот турларини ўзлаштираётган корхоналарга аввалги йиллардагидек имтиёз ёки енгилликлар берилиши бекор қилинди. Ҳар ким ўз аврасини ўзи торсин. Барча билан баробар бож ва солиқни тўлаб, маҳсулотлар ишлаб чиқарсин, экспорт қилсин, даромад топсин. Бу эркин бозор иқтисодиёти талаби.

— Фаёат шу ўринда бир лекин бор: Яъни, икки бозоргагина ишлайдиган, унлаб йиллардан буён аънавий товарлар тайёрлаб келадиган фабрика билан замонавий саноат учун зарур бўлган, экспорт ўринини босадиган маҳсулот тайёрлашга хизмат қиладиган корхона ўртасида фарқ йўғи? Албатта, бор. Эскисида барча инфратузилма мавжуд, технологияси алмисокдан қолган бўлса-да, ҳозирча кунига яраб турибди, товарлари ҳам амал-тақал сотилапти. Янсининг олдида қатор муаммолар қўндаланг. Рақобатбардор маҳсулот тайёрлаш учун шунга яраша технологияга, хомашё ва замонавий малакали мутахассисларга эга бўлиши, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ер майдони олиши, биноларни қуриши, электр энергияси ва бошқа зарур таъминотларга эга бўлиши зарур. Бу вақт ва катта маблағ талаб этадиган жараён. Табиий савол туғилади . Одатда ёш оила рўзгорини бутлашга ота-она кўмак бергани

каби маҳаллийлашган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни максад қилган корхоналар давлат томонидан қандай қўллаб-қувватланади? Бунинг жавоби Ўзбекистон Президентини томонидан 2019 йилнинг 1 май ва 24 август кунлари имзоланган қарорлариди ўз ифодасини топан: ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай-шарт-шароитлар яратиш, самарали механизмларни жорий этиш орқали, яъни иқтисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш тизимини эксперимент тариқасида жорий этиш мақсадида Тошкент механика заводи АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳудудиди технопарк ташкил этилди. Бу ерга рўйхатдан ўрин олган янги маҳсулот турларини тайёрловчи ишлаб чиқаришларини жойлаштириш қўзда тутилган. Нанкин технопаркда, балки барча ҳудудларда бундай лойиҳаларни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жағмармаси томонидан қадрлиқ бериш ва кредит фойз ставкасини қисман қоплаш тизимидан самарали фойдаланиш асқотади. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари божхона тўловларини 120 кунгача ўзайтириб тўлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирган корхоналарнинг тайёр маҳсулотларини сертифицирлаш ва стандартлаштириш масалаларида қўмаклашад.

Ҳамкорлар топиш, ҳўжалик, шу жумладан, узок муддатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича электрон кооперация ва давлат харидлари махсус ахборот порталлари ишга туширилди. Биринчиси орқали саноат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича ҳўжалик шартномаларини тезкорлик билан масофадан тузиш имкониятини берса, иккинчисида маҳаллий етказиб бериувчиларнинг иштирокини ва нарх шаклланишида шаффофликни таъминлаш учун давлат буюртмачилари томонидан импорт товарларни харид қилиш тўғрисидаги истаклар жойлаштириб борилапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 августда эълон қилинган «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳўкимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги қарорида раҳбар кадрларнинг ваколати ва масъулияти аниқтиник баён этилган. Авваллари бу соҳалар учун ҳамма жавобгар, лекин аниқ бир раҳбар зиммасига юкланган вазифа эмас эди. Қарор билан белгиланган янги тизим бу муаммони ҳал этишга қаратилган бўлиб, унга қўра, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимиятларида ҳўкимнинг ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперациясини кенгайтиришга зарур шароит яратилаётгани, лекин айрим тармоқ ҳамда ҳудудларда маҳаллийлаштириш бўйича ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани танқид қилинди.

— Шунча шароит яратялмиз, технологиялар олиб келялмиз. Жойлардаги раҳбарлар эса ўзини қийнамай, маҳаллийлаштириш устида ишлаш ўрнига осонгина импорт қилишга ўрганган, — деди Президентимиз.



ташкил этилди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Қарорда янги лавозим , бўлима, ва вазирлик зиммасидаги реал вазифалар ҳамда уларнинг ваколатлари белгилаб берилди.

ЯНГИ РЕЖАЛАР ТАҲЛИЛИ, ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР САЛМОҒИ

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 2020-2021 йиллар давомидида камда 20 фоизга ошиши, ҳусусан, бу ўсишга импорт улуши юқори бўлган товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига эришилиши керак. Шунингдек, технотопик асбоб-ускуналарнинг тез ишдан чиқувчи бутловчи буюмлари, эҳтиёт қисмлари ва материаллари ҳам маҳаллийлаштирилди. Мамлакатимизда мавжуд полимер, ип-кавала, чарм, жун, ипақ, мис, табиий тош, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа бирламчи хом ашёларни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат занжирини яратилади.

Ҳақиқатан, режалар миқёси катта, қамрови кенг, имконият ва заҳиралар эса, беқийс. Масалан, мамлакатимизда молибденнинг атиги 1,1 фоизи, табиий газнинг 12 фоизи, рухнинг 21 фоизи, миснинг 25 фоизи, мева-сабзавотларнинг 20 фоизи, ип-каваланинг 46 фоизи қайта ишланмоқда. Агар бу хомашёлар чуқур қайта ишланса, қўшилган қийматни 5 бараваргача ошириш имконияти туғилади. Бундай мисоллар рўйхатини узок давом эттириш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 18 августиди ва 17 сентябрда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишларида мамлакатимизда маҳаллийлаштиришни ривожлантириш, корхоналар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтиришга зарур шароит яратилаётгани, лекин айрим тармоқ ҳамда ҳудудларда маҳаллийлаштириш бўйича ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани танқид қилинди.

— Шунча шароит яратялмиз, технологиялар олиб келялмиз. Жойлардаги раҳбарлар эса ўзини қийнамай, маҳаллийлаштириш устида ишлаш ўрнига осонгина импорт қилишга ўрганган, — деди Президентимиз.

Вазирлар Маҳкамасига барча тармоқ ва ҳудудлар корхоналарида маҳаллийлаштирилган товар ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси икки йилда камда 20 фоизга ошириш, импорт улуши юқори бўлган товарларни маҳаллийлаштириш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

17 сентябрдаги йиғилишдаЎзбекистон саноатини замон талаблари асосида ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардорлигини ошириш ва турини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

— Экспортбон ва импорт ўринини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юқори қўшилган қиймат яратишга йўналтирилган саноат сиёсатини юритишимиз зарур. Мавжуд хомашё ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш ва қўламини кескин кенгайтириш ушбу саноат сиёсатининг негизи бўлиши керак, — деди давлат раҳбари.

Шу йилнинг ўтган даврида янги лойиҳалар доирасида бор-йўғи 1 миллиард долларлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилгани қоникориз деб баҳоланди. Бу борадаги ишлар сўт ташкил этилган «Ўзамсусомонтажқурилиш» акциядорлик компанияси, «Ўзғеймса-ноат» уюшмаси, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти каби корхоналар фаолияти танқид қилинди.

Ҳудудларда бу борадаги аҳвол қандай? 2019 йилда импортнинг ўсиши тармоқлардаги нисбатан 2 баробар юқори бўлиши кузатилаётган экан, бу ишлаб чиқаришни кескин қўлайтириш учун катта эҳтиёж борлигининг далолати. Бунга яқинда соҳа вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари ёрдамида Ангренда 38 та, Навоийда 13 та, Наманганда 29 та ва Чирчиқда 18 та янги маҳаллийлаштириш лойиҳалари шакллантирилганлиги яққол кўрсатиб берди.

Тайёр ер майдонлари, бинолар ва инфратузилмага эга бўлган кичик саноат зоналари ҳам имкониятлар катта. Лекин 156 та ана шундай зонадаги лойиҳаларнинг атиги 13 фоизи маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Йиғилишда мутасаддиларга барча кичик саноат зоналарида импорт ўринини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаларини қўлайтириш, 80 та шаҳар ва туманда шун-

дай зоналар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Муҳокамалар таҳлилий ва танқидий руҳда ўтди. Баҳариларидан ишлар аниқ белгиланб берилди.

Қарор ижроси билан кучли. Ўзбекистон Президентининг соҳага доир қарорлари ижроси бўйича яна қандай ишлар олиб борилапти? Иқтисодиёт ва саноат вазирлигидан берилган маълумотларнинг мухтасар мазмунини шундай: Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 майдаги «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори иловасига мувофиқ тавсия қилинган 99 турдаги маҳсулотни 2019-2020 йилларда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадида ҳудудларга қиймат 879,0 млрд. сўмлик жами 55 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали қолган 44 та маҳсулотни 2020 йилда ўзлаштириш бўйича ишлар олиб борилапти.

Тошкент шаҳар ҳўкимлиги таъсисчилигида «Технопарк» МЧЖ ташкил этилди ва бу ерда қиймати 617 млн. долларлик 19 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш белгилаб олинди. Жорий йилнинг ноябрь ойида «Ўзэкспомарказ» миллий кўрғазмалар мажмуасида республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси кўрғазмаси ўтказилди.

Ҳозирги пайтда ҳўжалик бирлашмалари ва ҳудудий Ишчи гуруҳи тақлифлари асосида 2020-2021 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича йиллик ишлаб чиқариш қуввати 28,6 трлн. сўмни ташкил этадиган 1057 та лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилди.

Қайд этганимиздек, ишлар қўламини кенг. Шу йил охирига қадар ишга туширилаётган «Навоийсизот» неғизиди 100 минг тонна поливинилхлорид, Тошкент металлургия заводи 500 минг тонна металл прокати, Шўртан газ-кимё мажмуасида 744 минг тонна дизель ёқилғиси, Тошкент механика заводида майиш техника тайёрлаш кластери, «Кварц», «Сирдарё Гласс» ва «Зарафшон ойна» корхоналарида ойна ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ўзи йилга 2,5 миллиард доллар миқдориди маҳаллийлашган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга тақлиф этади. Бундан ташқари, уларнинг атрофида бошқа кичик ишлаб чиқаришлар ҳам ривожланади ва янги иш ўринлари яратилади.

Иқтисодиёт бу поёнсиз ўрмон. Унинг ҳар бир соҳасини бамисоли улкан дарахтга қаёс этаск, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришни унга куч-қувват берадиган жон томиларга менгаш мумкин. Илдилар заминга қанчалик чуқур томир отса, дарахт ҳам шунча кучли ва ҳосилдор бўлиб боргани каби ушбу соҳаларнинг ривожини янгиланаётган Ўзбекистоннинг бутунги ва эртанги тараққиёт барқарорлигини мустаҳкамлайди. Барқарорлик – тараққиёт пойдевори . Президент қарорларининг тўлиқ ижроси эса, бутун иқтисодиёт ривожига куч-қувват беради, унинг баравж ўсишини таъминдайди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи.

Иваннинг ўзбек онаси

Ёки халқимиз меҳр-муҳаббатни, бағри кенглиги, инсонпарварлиги ҳақида Мексикада эшитганларим

Узоқ Мексиканинг Канкун шаҳрида бўлиб ўтган бу воқеани ҳар гал эслаганимда кўнглим фарх-ифтихор туйғусига тўлади, шундай бағри кенг, меҳрли, муруватли халқнинг фарзанди эканмидан гурурланаман. Ўша учрашув бир умр ёдимдан чиқмайдиган бўлди.

Дўстим Низомжон Рустамов билан узоқ йиллар суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритганимиз, туман, вилоят судларида масъул лавозимларда ишлаганимиз.

Нафақага чиқганимиздан сўнг фарзандларимиз бизга туҳфа сифатида чет давлатга чиқиб билан боғлиқ имконият яратиб беришди. Саиджон исмили жиямим Американинг Нью-Йорк шаҳрида тадбиркорлик билан шуғулланарди. Низомжон билан 2013 йил декабрь ойида Нью-Йорк шаҳрига уники-га меҳмонга бордик. Саиджоннинг тақлифига қўра, Мексиканинг Канкун шаҳрига бориб, бир неча кун дам олиб қайтадиган бўлдик.

Канкун ҳақиқатда ҳам дунё туристларини ўзига жалб қиладиган нияҳтда сўлим оромгоҳ шаҳар экан.

Биз ҳар кунни Низомжон, укам Собиржон ва жиямим билан нонуштадан сўнг ошхона ёнидаги сой бўйида сайр қилардик.

Бир кунни ёнимиздан ёши улуг, бир эркак ва аёл ўтиб кетаётди, бизга тикилиб, тўхтаб қолишди. Бизнинг ўзбекча гаплашаётганимизни

эшитди чоғи, халғи киши ёнимизга келиб, қаердан эканлигимизни сўради. Ўзбекистонданлигимизни билиб, сўз билан ифодалаш қийин бўлган даражада хурсанд бўлиб, қўлимизни сиқиб, қадрдонларча сўради. У бизга, халқимизга ўзининг меҳр-муҳаббатини ифода этиб, ўзи учун энг қадрли одамлар билан учрашганини, бундан жуда хурсандлигини таъкидлаб, шеридини ҳам даврамизга тақлиф этишга ижозат сўради. Биз, албатта, бу тақлифни миннатдорлик билан қабул қилдик.

Унинг исми Иван, ёнидаги аёл хотини экан. У ҳаяжон билан хотинига қараб, дунёнинг қўллаб қувватлаганида ва шаҳарларида бўлгани, лекин, бирор жойда ўзбеклар каби меҳридор, савоатли, олийжаноб халқни учратмаганини, айтиб, бунинг тасдиғи сифатида болалик йилларида бошидан ўтказган қийинчиликларни ва унга ўзбек аёли томонидан кўрсатилган меҳр-муруват ҳақида кўзига ёш олиб гапириб берди.

Унинг айтишича, онаси ёшли-да вафот этган. Отаси эса катта лавозимдаги ҳарбий бўлган.

Уруш йиллари етти ёшда минглаб етим болалар каби Ўзбекистонга эвакуация қилинган.

Улар поездда ўн суткадан ортиқ йўл босиб, Фаргона шаҳрига яқинлашганда, ҳозир воқзалдан болалар уйига олиб кетишлари ва бегона юртда, бегона одамлар ора-

сида қандай ҳаёт кўтиб турганини ўйлаб, ҳадиқираб туришганда воқзал майдони аёллар билан тўлиб-тошганлигини қўриб ҳайрон бўлганлигини эслади. Ўзбек аёллари гарчанд, эрлари фронтда бўлиб, ўзлари 7-8 нафар болаларини қийинчилик билан боқаётганларига қарамай, унга ўшанган, меҳрга муҳтож болаларни ўз оилаларига олиб кетиш учун келганликларини эшитиб, ҳайрон бўлганини гапирётганида ҳаммамизнинг нигоҳларимиз бир нуктага тикилиб қолди. Кўз ўнгимизда ўша онлар худди кино лентадагидай жонланди.

Иван ака бу каби инсонийлик, меҳр-муҳаббатдан ҳайратта тушганини айтиarkan, шерига қараб, сен шундай халқни кўрганмисан, эшитганмисан, деб савол берди, шериги эса, кўзларида ёш билан «йўқ» деб жавоб берди.

Сўнгра ҳикоясини давом эттирди. Солчари оппоқ бир аёл масъул ҳарбий раҳбарга мурожаат қилиб, битта бола беришини сўради. Ҳарбий раҳбар, ўзингда нечта бола бор, деб сўраганида онахон еттида, деб жавоб берди. Шунда ҳарбий киши эринг фронтда, бўлса, шунча болани қандай боқасан, деди. Ўша аёл биз болаларга қараб турганида кўзи кўзимга тушиб ёнимга келди-да, мени бағрига босиб, шу болани бермасанг, бу ердан кетмайман, деди. Етти боламга етган егулик сақизинчисида ҳам етади, ахир бу

болада нима гуноҳ, деб мени янада маҳкамроқ кучоклаб, пешонамни сидади...

Онамдан сўнг бу каби меҳр-муҳаббат, бундай илик тафтини сезма-гандим. Ўзимни онамнинг бағрида-гидек ҳис қилдим. Мен бу меҳри-бон ўзбек аёли тисмолида, беизини худди онамни топандек ўзимни йўғлаб юбордим. Бу меҳри дарё ўзбек аёли, мени ўз боласидек бағрига босиб, уйига олиб кетди.

Иван ака кўзида ёш билан шерига қаради ва деди: «... сен шундай халқни кўрганмисан, бегона аёлдан, шундай меҳр-муҳаббатни ҳис қилганмисан!» У ҳам кўзига ёш олиб, яна «йўқ» деб жавоб қилди.

Инсонини меҳр-муҳаббатга ундовчи бундай ҳикоядан беихтиёр бизнинг ҳам кўзимизда ёш пайдо бўлди.

— Мен ўзбек онамнинг 7 нафар боласи билан тезда қадрдонлашиб кетдим. Мен ҳаммизга ўзбек ака-опаларимнинг меҳр-муруватини ҳис этиб турдим. Биз тутилган фарзандлар каби бирга иноқ яшай бошладик. Бунга, менимча, уларнинг қалбига азал-азалдан синиб кетган ўзбеконга меҳр-муҳаббат асосий сабаб бўлса керак, деб ўйлайман, — деди Иван ака.

Ўша пайтда мен танқислиғи туфайли, онахон ўз болаларига қунига уч маҳал икки бурдадан, Иванга эса уч бурда нон берар экан. Ўзбек тилини анча тушуниб қолгани

ҚАДРИЯТ

кетди. Урушдан сўнг отаси Иваннинг қаерда эканлигини суриштириб аниқлаган. Фаргона шаҳрида, ўзбек аёлининг тарбиясида эканлигини билгач, бу аёлни нечта боласи борлигини, эри фронтдан қайтган-қайтмаганлигини суриштирган. Эри фронтдан қайтиб келмаган бу аёлининг етти нафар фарзанди бўла туриб, унинг боласини ҳам ўз тарбиясига олганини эшитган.

Отаси кириб келганида Иванни ўзбек онаси бағрига босиб, пешонасини силаб турган экан. Отаси гарчи темир иродали киши бўлса-да, генерел-полковник бўлса-да, кўзига ёш олиб, ерга тиз чўкиб, уч марта бош эгиб савоатли ўзбек аёли, унинг тисмолида улуг ўзбек халқига таъзим қилиб, аёлининг пешонасига ўрган экан.

— Мен ҳарбий кишиман, афсуски, санъатдан хабарим йўқ, лекин бу бағри кенг, савоатли ўзбек халқига энг чироили ва маҳобатли ҳайкал ўрнатилиши керак, деган экан Иванга отаси кейинчалик.

Иван ака ўзбек онаси ҳақида гапириб тўймак эди. Унинг айтишича, ўшанда ўзбек онаси отасига таржимонлик қ

Марказ аёллар хасталигига ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда мураккаб операциялар ўтказишга ихтисослашган.



«AYOL CARE» ТИББИЁТ МУАССАСАСИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

ТИББИЁТ

Бугунги кунда республикада аёлларнинг репродуктив саломатлигини асраш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Куни кеча Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида фойдаланишга топширилган «AYOL CARE» тиббиёт маркази бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг ёрқин мисолидир.

— Охирги уч йилда мамлакатимизда хусусий тиббиёт ривожига кенг йўл очилди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазир Алишер Шодмонов. — Бугунги кунда улар сони 5300 дан ортик.

Этиборлики, хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар тури 50 тадан 126 тага кўпайди. Улар 2022 йилнинг 1 январига бари турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек, олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва зарур материаллар

учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди. Бу каби имкониятлар натижасида сўнгги икки йилда 1650 хусусий тиббиёт муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Эндilikда юртимизда юқори технологияга асосланган яна бир марказ иш бошлаётгани гоёт қувонарлидир. Биз «AYOL CARE»нинг юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам филиаллари очилишига умид билдирамыз.

— Марказимиз аёллар хасталигига ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда мураккаб операциялар ўтказишга ихтисослаштирилган, — дей-

ди марказ директори Дилором Давлетова. — Бунинг учун бу ерда турли тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда хотин-қизлар соғлигини тўлиқ баҳолаш имконияти мавжуд. Шунингдек, клиникамизнинг бошқа хусусий тиббий муассасалардан фарқи хаста ҳамда афзалликлари шундан иборатки, жарроҳлик операциялари онлайн режимда телемедицина усули орқали амалга оширилади. Шу билан бирга марказ масофавий услубда хорижий давлатлар, жумладан, Россия, Исроил, Жанубий Корея, Германиядан мутахассислар жалб этган ҳолда мамлакатимиз бўйича консултациялар ва маҳорат дарслари ташкил этади. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, мазкур тиббиёт маскани ихтисосий муҳтож ва оғир шароитдаги аёлларни бепул қўриқдан ўтказишга, консултациялар беришга ҳар доим ҳам тайёр.

Маълумот ўрнида шунини айтиш кераки, марказ аёлларнинг репродуктив саломатлигини ас-

раш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти замонавий технологиялар ёрдамида ҳомиладорликдан олдин ва ҳомиладорлик пайтида ички органлар патологияларининг олдини олиш ҳамда даволаш, туғруқдан кейин аёлнинг соғлигини тиклаш, шунингдек, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашга қаратилган. Қолаверса, марказда ультратовуш диагностикаси, колпоскопия, рентген гистеросалипинграфияси, маммография, рақамли рентгенография, клиник ва биокимий лаборатория текширувлари ҳам ўтказилади. Зарур ҳолларда теропевт, эндокринолог, кардиолог, невропатолог, маммолог ва бошқа мутахассисларнинг маслаҳатлашувлари ташкил этилади. Бу ҳомиладорлиқни сифатли ўтказиш ва аёлларга кўп тармоқли малакали ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Мухтасар қилиб айтганда, марказ фаолиятини йўлга қўйиш учун

45 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилган. 80 мутахассис иш билан таъминланган. Тиббий муассаса Германия, Франция, Жанубий Корея мамлакатларида ишлаб чиқарилган тиббий техника ва ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, жаҳон тиббиётининг энг сўнгги диагностика технологиялари — замонавий УТТ, рақамли рентген, маммограф, ЭКГ, кольпоскоп, ҳомиладорлик юрак уришини аниқлайдиган кардиотокограф, иммунокимёвий ва биокимёвий лаборатория таҳлил воситаларига эга.

«AYOL CARE» тиббиёт марказининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир Алишер Шодмонов, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Бошқаруви раиси Светлана Иномова ҳамда Зироатхон Мирзиёева иштирок этди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИМПИАДА — 2020

Марралар юксак

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида «2020 йилда Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш бўйича олиб бориладиган долзарб вазифалар тўғрисида» видеоселектор мажлиси бўлиб ўтганди.



Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида видеоселектор мажлисида белгиланган вазифалар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Миллий олимпия қўмитаси мутасаддилари, шунингдек, 2019 йилда Олимпия турлари бўйича жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришган спортчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг биринчи ўринбосари Ойбек Қосимов видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси ҳақида гапириб, «Биз уч йўналишда, яъни 2020 йилда Токиода ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпия, XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари, оммавий спортни ривожлантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш йўналишида фаолиятни йўлга қўйганми», деди.

Маълумки, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб олимпия спорт турлари бўйича республика ва халқаро спорт мусобақаларининг голиблари ва совриндорлари бўлган спортчи-ўқувчилари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида имтиёзли равишда имтиҳон синовларисиз қабул қилиш тартиби жорий этилган.

Спорт соҳасида кадрлар сифатини кўтаришга хизмат қилувчи яна бир катта янгиллик — махсус сиртки таълим шакли ташкил этилиши бўлди.

Спорт соҳасидаги малакали кадрлар, олий маълумотли мураббийлар бўлган эҳтиёжнинг юқорилигини ҳисобга олиб, истисно тариқасида фақат Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли мураббийлар учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда университетнинг Нўкус филиалига сиртки бўлим учун жами 560 ўрин ажратилди. — деди Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фан, спорт ва таълим муассасаларини илмий таъминлаш бўлими бошлиғи Авазбек Ҳасанов.

Тадбирда иштирок этган Миллий Олимпия қўмитаси президенти маслаҳатчиси Назиржон Худойкулов Токио олимпиадасида ҳам марра жуда юқори олинганини, бунинг учун эса спортчиларга яратилаётган шарт-шароитлар, ҳар бир спорт федерацияси (ассоциация) билан олиб борилаётган кенг қўлланма ишлар ҳақида маълумот берди.

— Токио олимпиадасига жами 135 та йўлланма (паралимпия билан қўшиб ҳисоблаганда) қўлга киритиш режалаштирилган, деди — Назиржон Худойкулов. — Таъкидлаш жоиз, ўтган олимпиаданинг шу даврида 12 та лицензия олинган, ҳозир эса 22 та лицензия қўлга киритилди, демак, олдинги силжиш бор. Табиийки, бор ҳаракатларимиз Рио-де-Жанейро олимпиадасидаги кўрсаткичларимизни янада яхшилашга қаратилган ва бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Эслатиб ўтамиз, 2016 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз делегацияси таркибида 70 нафар спортчи 14 та спорт турларида ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, яқунда 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 21-ўринни (Осиё миқёсида тўртинчи, МДХ миқёсида иккинчи натижа) эгаллаганди.

Матбуот анжуманида бокс бўйича жаҳон чемпиони, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Баҳодир Жалолов, бокс бўйича Олимпия ва жаҳон чемпиони Шаҳобиддин Зоиров ва эшакка эшитиш спорт бўйича жаҳон чемпионлигига эришиб, Токио олимпиадасида лицензиясини қўлга киритган Дилноза Раҳматова сўзга чиқиб, мамлакатимизда спортчиларга яратилаётган шарт-шароитлардан беҳад хурсанд эканликлари ва бу эътибор Токио олимпиадасида албатта мева беришига ишонч билдиришди.

Дилдора ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси масъул котиб Шухрат Исмоиловга отаси Урол ИСЛОМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд давлат университети, филология факультети жамоаси меҳнат фаҳрийси, филология фанлари номзоди, доцент Жўрабой ХАМДАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV	Qalandar ABDURAHMONOV	Hayotxon ORTIQBOYEVA
Ulug'bek VAFOYEV	Guliston ANNAQILICHEVA	Farrux HAMROYEV
Mahmud TOIR	Muslihidin MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
	Shuhrat JALILOV	

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1151. 3261 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:00.
Topshirilgan vaqti — 03:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5 6